O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
290901

10 ЁШИНГ МУБОРАК, ЭНГ АЗИЗ, ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТИМ !

Da'vat

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 1 сентябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 69 (7368)

Ibrat

Мустақиллик байрами ва янги ўқув йили бошланиши олдидан Косонсой туман ҳокимлиги ташаббуси билан хайрия ҳашари ўтказилиб, ундан тушган 2 миллион 675 минг сўм маблағ дарсликлар учун сарфланди. Бундан ташқари тумандаги 136 та корхоналар раҳбарлари 500 нафар болага дарслик ва ўқув қуроллари совға қилдилар.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Бугун юртимизда яшаётган барча инсонлар, бутун ўзбек халқи учун ҳаяжонли ва қувончли кун.

Мана шу қутлуғ айёмда сиз, азиз юртдошларимни Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллик санаси билан чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Озод ва эркин яшаш учун машаққатли ва аёвсиз кураш олиб борган, қанча-қанча тўфон ва синовларни, зулм ва қатағонларни бошидан кечирган, не-не қурбонлар берган ўзбек халқи учун бу муқаддас айём — йиллар ўтар, асрлар ўтар — абадий сақланиб, энг буюк, энг азиз сана бўлиб қолажак.

Бугун биз мустабид тузум ва қарамлик исканжасидан халос бўлиб, ўз қадр-қимматимиз, муқаддас динимиз, тилимиз ва қадриятларимизни қайта тиклаб, иймон-эътиқодимизга суяниб, ягона халқ ва миллат бўлиб, XXI асрга дадил қадам қўймоқдамиз.

Тарихан жуда қисқа бўлган ўн йиллик даврда ҳаётимизни янгилаш, демократик адолатли давлат ва фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш, юртимизни обод қилиш ва халқаро майдонда обрў қозониш йўлида амалга оширган бунёдкорлик ишларимиз ҳақида бугун ғурур ва ифтихор билан гапиришга ҳақлимиз, десам, бу ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бунинг тасдиғи — қишлоқ ва шаҳарларимиз, бутун юртимизнинг обод қиёфаси, барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган иқтисодиётимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, барча миллатларнинг мана шу мўътабар заминда тотув ва баҳамжиҳат бўлиб яшаётганидир.

Бунинг тасдиғи — ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалбида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга кучайиб бораётган ишончидир.

Бир сўз билан айтганда, озод Ўзбекистон бугун жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. У янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида олиб бораётган ислоҳотлари билан, яратувчанлик меҳнати билан, ўзининг мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборини, айтиш мумкинки, ҳавасини ўзига тортмоқда.

Кўпни кўрган, не-не синов ва қийинчиликларни бошидан кечирган, ҳаётнинг барча оғирликларига бардош бериб, йўлидан адашмаган халқимизни ўз олдига буюк вазифа қилиб қўйган озод ва эркин, фаровон ҳаётга эришиш мақсадидан энди ҳеч ким ва ҳеч қачон қайтара олмайди.

Бизнинг истиқлол йўлида қўяётган шаҳдам қадамларимиз дўст-бародарларимизни қувонтириб, бизни кўролмайдиган, эришган ютуқларимизга ҳасад билан қараётган, танлаган йўлимиздан қайтаришга уринаётган ғанимларимиз учун — улар бунга хоҳлайдими, йўқми, бундан қатъи назар — аччиқ ҳақиқат бўлиши даркор.

Азиз юртдошларим!

Бугун барчамиз шуни яхши англаб олмоқдамизки, олдимизга қўйган мақсад ва муддаоларимизга эришиш — бунга бошқалар тажрибасидаги кўп-кўп ҳаётий мисоллар асосида кўриш мумкин — ҳеч қачон, ҳеч қаерда осон кечмайди.

Шунинг учун биз бугун ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маданий соҳаларда олиб бораётган ислоҳотларимизни доимий ҳаракатга айлантиришимиз ва янада чуқурлаштиришимиз, ҳаётимизнинг негизини ташкил этувчи муҳим принципларга алоҳида эътибор беришимиз керак.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси — онгу тафаккуримизни замоннинг ўзи талаб қилаётган демократик тараққиёт тамойиллари ва қадриятлари билан бойитиб, уни янги босқичга кўтаришдир.

Лўнда қилиб айтганда, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қадрлаш ва ҳимоялаш, уларнинг моддий ва маънавий манфаатларини диққат-эътиборимиз марказида тутиш, инсоннинг меҳнат қилиб муносиб даромад олиши, мулкка эга бўлиши, ижтимоий таъминот, жамиятдаги эътиқод ва сўз эркинлигига кафолат бериш каби масалаларни биз учун энг устувор вазифа деб билишимиз даркор.

Энг муҳими, бундай имконият ва кафолатларни сўзда эмас, амалий ҳаётимизда татбиқ қилиш ҳозирги кунимизнинг энг мураккаб масаласига айланиб қолганини унутмаслигимиз керак.

Бугун бизнинг йўлимиз — ривожланган демократик жаҳон босиб ўтаётган йўл экан, жамиятимизнинг барча-барча жабҳа ва қатламларида, Амир Темур бобомиз ибораси билан айтганда, адолат деган буюк кучнинг ҳукм суриши, одамларимизнинг эркинлиги ва ташаббусининг очилиши, ҳаётимизда намоён бўлиши учун зарур имкониятларни нечоғли туғдириб беришимизга боғлиқ эканини тушуниб, англаб олишимиз керак.

Эзгу мақсад ва ниятларимизга эришишнинг энг муҳим шарти — бу юртимиздаги тинчлик, осойишталикни сақлаш, бугун авжига чиқаётган террорчилик, диний экстремизм, гиёҳвандлик, оқидапарастлик каби хавф-хатарлардан огоҳ бўлиш, бир сўз билан айтганда, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз кераклигини яна бир бор таъкидлаб ўтишни ўринли, деб биламан.

Азиз ва мўътабар юртдошларим!

Биз кундалик ташвишлар, турли юмушлар билан овора бўлиб, ҳаётнинг қанчалик тез ўтиб кетаётганини баъзан сезмай ҳам қоламиз.

Мустақиллик йили туғилган болаларнинг бугун ўн ёшга, ўша пайтда мактабга борган фарзандларимиз эса ўн етти ёшга тўлиб, умрининг навқирон бир фаслига қадам қўйганини кўриб, одам таъсирланади, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг ҳаётга янги орзу ва катта умид, ишонч билан кириб келаётганидан қалби завқу шавққа тўлади.

Шубҳа йўқки, орадан йиллар ўтади, халқимиз ҳаётида ҳали бундан ҳам катта ўзгаришлар рўй беради. Эл-юртимиз янги-янги улкан ютуқларни қўлга киритади, иншооллоҳ.

Биздан кейин келадиган кўп-кўп авлодлар, албатта, мустақилликка эришганимизни ҳаёт меваларидан ўлчаб, унга ўз баҳосини беради.

Лекин бугун виждонимиз олдида ҳисоб бериб айтадиган бўлсак, бунга ким қайси кўз билан қарамасин, Ўзбекистон мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган буюк тарихий воқеа бўлиб қолиши муқаррар.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди ва инкор этишга ҳаққи ҳам йўқ.

Муҳтарам ватандошларим!

Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягонадир. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Мен бугунги улуғ сана, буюк байрам тантанасида мана шундай мислсиз ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган, барча қийинчилик ва машаққатларга сабр-тоқат билан бардош берган, белни маҳкам боғлаб, бир ёқадан бош чиқариб фидокорона меҳнат қилган олижаноб халқимизга фарзандлик меҳри ва муҳаббати билан таъзим қиламан.

Аввало, дуогўй отахонларимизга, мунис онахонларимизга, заҳматкаш деҳқонларимизга, қўли гул ишчиларимизга, илму фан ва маданият намояндаларига, мард ва жасур ҳарбийларимизга, униб-ўсиб келаётган ўғил-қизларимизга — бутун Ўзбекистон халқига бугунги муборак байрам муносабати билан ўзимнинг самимий тилакларимни билдираман.

Мана шу қутлуғ байрам барчамизга муборак бўлсин!

Ўзбекистонимиз истиқлоли абадий бўлсин, дунё тургунча турсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганимизнинг ўзи мададкор бўлсин!

ТАРИХИЙ АДОЛАТНИНГ ТИКЛАНИШИ

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан илк бор "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида мустабид тузум даврида зулм ва зуравонлик қурбони бўлган ватандошларимизни ёд этдик. Мазкур саналанинг айнан Мустақиллик байрами арафасида нишонланишида ўзига хос рамзий маъно бор.

Мустабид тузум даврида халқимизнинг энг кўзга кўринган вакиллари — давлат, маданият ва санъат арбоблари, зиёлилар билан бир қаторда, кўплаб оддий одамлар ҳам "халқ душмани"га чиқарилиб, қатағон қилинган. Уларнинг ортида қолган оила аъзолари, қариндошлари, ёру биродарлари эса ҳўрлик ва ситамларга гирифтор этилган. Неча минглаб ватандошларимиз ҳурлик, озодлик йўлида шаҳид кетган. Чоризм қамоқхоналарида, Сибир сургунлари ва Сталин авахталарида кўплаб юртдошларимиз ном-нишонсиз йўқ қилиб ташланган. Зуравонлар уларнинг шарафли номларига қўшиб қабрларини, ҳатто қариндош-уруғларини ҳам йўқ қилган. Бундай бахтсизликка учраган миллатдошларимизни, ҳаёти давомида рўшнолик кўрмагани оғир бир ситам, ўн йиллар давомида руҳи чирқиллагани яна бир азоб булган ватандошларимизни бугун биз — Истиқлолдек улуғ неъматдан баҳра олаётган авлодлар алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан ёд этишимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан Тошкентнинг Юнусобод туманида бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи уларга эҳтиромнинг ёрқин намунаси бўлди. Истиқлолнинг ўн йиллиги тантанали равишда нишонланадиган 31 август тонгида бу ерга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган юзлаб ватандошларимиз йиғилди. Тиниқ ҳавода қушларнинг чуғури олис-олисларга таралади. Хиёбонда ўзбекона тароват. Ҳамма ёқ ораста. Ҳаво шу қадар тозаки, симириб туймайсан киши.

Хиёбонга келаётган одамларни бугун буюк бир дард — ноҳақ қурбон булганлар хотирасига эҳтиром бирлаштириб турибди. Кимнинг отаси, кимнинг бобоси машъум қатағон қурбони бўлган. Ҳатто қўйилган ери ҳам сирлигича қолган шаҳидлар улуғ байрам арафасида чуқур эҳтиром билан ёдга олинмоқда. Шу маънода Президентимизнинг жорий йил 1 майда эълон қилинган "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармони ниҳоятда катта савоб иш бўлди. Мазкур ҳужжатда таъкидланганидек, эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон булганлар, ноҳақ жабр-зулм курган минглаб ватандошларимиз хотираси авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.

Фармонга мувофиқ, ҳозир "Шаҳидлар хотираси" мажмуини янада ободонлаштириш, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейини ташкил қилиш ҳамда махсус радиолаштириш тизимини жорий этиш борасидаги тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, кўплаб қатағон қурбонларининг номлари аниқланиб, уларга тааллуқли буюмлар, шунингдек, фаолиятига доир материаллар, қизиқарли ахборотлар, суратлар ва бошқа ҳужжатлар йиғилмоқда. Улар, табиийки, ноҳақ зулмга учраб, шаҳид кетган ота-боболаримизнинг фожиали қисматини ёдга солиб туради. Шу билан бирга, қайсидир маънода, ёшларга истибдод даври тарихидан сабоқ бериши баробарида, барчамиз учун энг улуғ неъмат — Мустақилликка ўз-ўзидан эришмаганимизни эслатиб туради.

Қатағон қурбонларини ёд этиш — фақат хотира маросими эмас. Бу жамиятда қарор топаётган юксак инсонпарварлик ифодасидир.

Соат 07^{00} Хиёбонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Меҳмонлар хиёбонда ёзилган дастурхон атрофидан жой олди. Шаҳидлар ҳаққига Қуръон тиловат қилинди. Таомилга биноан ош тортилди.

(Давоми 3-бетда)

АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам халқ депутатлари!

Аввало, барчангизни кириб келаётган энг улуғ, энг азиз байрам - Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллик айёми билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!

Ўтган ўн йиллик яқин тарихимизни сарҳисоб қилиш, барча соҳаларда эришган улкан ютуқларимизни таърифлаш, шу жумладан, камчиликларимизни ҳам холисона баҳолаш, бир сўз билан айтганда, шу давр мобайнида амалга оширган ишларимиз ҳақида ҳисобот бериш, уларнинг барчасини бир маърузада акс эттириш жуда мураккаб ва қийин вазифа эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин мен бугун мана шу юксак минбардан туриб, сиз, муҳтарам халқ вакилларининг очиқ чеҳрангизга қараб, сиз орқали бутун халқимизга бир ҳақиқатни айтишни истардим.

Бу ҳақиқат шундан иборатки, асрлар давомида кўпкўп қурбонлар бериб, машаққатли синовлардан ўтиб, мислсиз оғир кунларни кўриб, не-не йўқотишлар, зулм-зўравонликларни бошидан кечирган, аммо озод бўлиб, эркин бўлиб ҳур Ватанда яшаш учун кураш йўлидан қайтмаган халқимизнинг ана шу азалий армони айнан бизнинг кунларимизда рўёбга чиққани, бундай саодат барчамизга насиб этгани учун Яратганимизга мингминг шукрона айтишимизни хоҳлардим.

Биз мана шу ўн йил давомида янги ҳаёт, янги жамият қуриш борасида оламшумул воқеаларга бой бўлган тарихий йўлни босиб ўтдик. Бу йўлда муваффақият ва қувончлар ҳам, изтироб ва машаққатлар ҳам бўлгани табиий, албатта.

Лекин биз ўз олдимизга қўйган улуғ мақсадлар сари қатъият билан интилиб тинимсиз меҳнат, қилдик, ҳар қандай қийин шароитда ҳам танлаб олган йўлимиздан қайтмадик.

Айниқса, очиқ демократик давлат ва жамият қуриш мақсадида янгича бошқарув ва бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт тизими шаклланган ҳамда ўзимизга мос ва ўзимизга хос мустақил ривожланиш стратегиясини амалга ошираётганимиз, жаҳон ҳамжамиятида муносиб обрў-эътибор қозонганимиз Ватанимизнинг буюк келажаги сари қўйилган муҳим қадамдир.

Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида тезкор, замонавий, қудратли Қуролли Кучларимизни ташкил этганимиз, ўз вақтида, чуқур ўйлаб қилинган ишимизнинг тасдиғи бўлди, десак хато бўлмайди.

Миллий қадриятлар, эзгу анъаналар, тилимиз, муқаддас динимизнинг ҳаётдаги ўрни қайта тиклангани ҳам жамиятимиз қиёфасини ўзгартиришда, маънавиятимизни, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтиришда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Энг муҳими, кўпмиллатли Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик муҳити - бизнинг беқиёс бойлигимиз эканини юртимизда яшаётган ҳар бир миллат ва элат вакили ўзининг кундалик ҳаётида ҳис этиб турибди.

Бугун миллий истиқлол ғоясини ўзида тўлиқ мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги каби олижаноб мақсадлар атрофида сиёсий ва ижтимоий кучлар жипслашаётгани, элимизнинг иродаси, салоҳияти ва куч-қудрати сафарбар этилаётгани - буларнинг барчаси ҳаммамизни қувонтиради ва келажакка бўлган ишончимизни мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, биз танлаган тараққиёт модели, бозор иқтисодиётига таянган очиқ демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантирадиган янги ҳаёт барпо этиш ҳаракатларимизнинг, бир томондан - кўп асрлик тарих, буюк маданият, юксак миллий анъаналар, муқаддас қадриятларга, иккинчи томондан эса - жаҳон халқларининг энг илғор ютуқларини ўзида мужассам этган тажрибага асосланган йўлимизнинг тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Азиз дўстлар!

Ҳаётимизнинг бугунги босқичида демократлаштириш, тубдан янгиланиш жараёнлари жамиятимизнинг барча соҳаларини қамраб олди десак, асло муболаға бўлмайди. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги бош стратегик вазифа, бу - 2000 йил июнь ойида қабул қилинган, жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги ислоҳотлар жараёнини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастурини амалга оширишдан иборат.

Бугун мен ана шу Дастурнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш масалаларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш - бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилганини эътироф этмоқ лозим.

Бунинг натижасида мамлакатимизда замонавий демократия талабларига жавоб бера оладиган суд тизими шакланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ИСТИҚЛОЛ МАШЪАЛИ АБАДИЙ ПОРЛАГАЙ

Мана, мамлакат мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлайдиган саодатли кунга ҳам етиб келдик. Бу улуғ айёмда шууримиз улкан қувончга тўлган, кўксимиз — тоғ. Шу билан бирга, бугунги қутлуғ кун ҳар биримизга ўн йил аввалги, нафақат ўн йил, балки юз йиллар нарисидаги воқеаларни эслаб, хулоса чиқариш, истиқлол йилларида эришган ютуқларимизни яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказиш, амалга оширган ишларимиз сарҳисобини қилиш масъулиятини юклайди. Ўн йил бобо тарих учун бир лаҳза, холос. Лекин у халқимиз учун мингйилликларга тенг, балки улардан-да қадрлироқдир.

Ўтган ўн йил ичида иқтисодиётни мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни қарор топтириш, озод Ватанимизга кўз олайтирган кучларга муносиб жавоб бериш, энг муҳими, фуқаролар онгида катта ўзгариш ясаш, янгича тафаккурни шакллантириш, айниқса, ёш авлодни аждодлар мероси, миллий қадриятлар ва замон руҳига мос тарбиялаб вояга етказиш йўлида кўп ишлар қилинди. Асрлар мобайнида ҳурриятни орзу қилиб келган халқимиз бугун ўз иродасини, салоҳиятини тўла-тўкис намоён этмоқда. Бамисоли, чашманинг кўзига бостирилган тош олиб ташланиб, она-замин қаърида бўғилиб ётган қудрат яна қайнаб-тоша бошлади.

(Давоми 3-бетда)

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки, биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ.

Биз отанинг номуносиб хулқи учун оила аъзолари, энг аввало, ҳаётга ёруғ ният ва катта умидлар билан эндигина қадам қўяётган ёшларнинг жамиятдан узилиб қолишига асло йўл қўймаслигимиз керак. Бу — бизнинг бош мақсадимиздир.

Ma'rifat

АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми.Боши 1-бетда)

Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатағон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.

Ҳурматли депутатлар!

Юртимизда бу соҳада бўлаётган ижобий ўзгаришлар босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасидир.

Келинг, шу йилда босиб ўтган босқичларни бир эслайлик.

1993 йили қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги биринчи Қонундаёқ айбсизлик презумпцияси, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошкоралик каби умумэътироф этилган тамойиллар белгилаб қўйилган эди. Улар кейин жиноий-процессуал, фуқаролик-процессуал ва бошқа кодекс ҳамда қонунларда ривожлантирилди.

Ислоҳотларнинг мана шу босқичида суд иш юритишининг, том маънодаги мустақил ва фақат қонун олдида жавоб берувчи суд тизимининг қонуний асослари яратилди. «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги, «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлар, фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кучайтиришга, суд тизимини демократлаштиришга қаратилган бошқа қонунлар қабул қилинди.

Жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб, биринчи марта мамлакатимизда Конституциявий суд таъсис этилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги хўжалик муносабатларида қонунчиликни таъминлашда муҳим роль ўйнаётган хўжалик судлари тизими яратилди.

2000 йилда янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлди.

Унда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида орттирилган тажрибадан хулоса чиқарилди ҳамда судлар фаолиятининг янада демократлашуви ва такомиллашуви учун шароит вужудга келтирилди.

«Судлар тўғрисида»ги янги Қонуннинг моҳияти нимадан иборат?

Биринчи ва энг асосийси - давлат ҳокимиятининг бўлинишига оид конституциявий тамойилдан келиб чиқиб, ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи бўлган суднинг мустақиллигини таъминлашнинг мустаҳкам механизми яратилди.

Судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш, уларнинг ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш ҳақида тақдимномалар киритиш ваколатлари Адлия вазирлиги тасарруфидан чиқарилди. Бу ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тузилган Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси зиммасига юкланди.

Иккинчидан, умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви қонуний мустаҳкамланди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судларни ташкил этиш механизми жорий қилинди.

Ҳаётнинг ўзи бу қарорнинг тўғрилигини кўрсатиб турибди.

Судларнинг ихтисослашуви ишларни кўриб чиқиш сифатини оширмоқда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатини кучайтирмоқда.

Учинчидан, судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш вазифаси махсус ваколатли мустақил орган — Адлия вазирлиги қошидаги Суд департаменти зиммасига юклатилди.

Бу департамент судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда иш юритиши белгилаб қўйилган.

Тўртинчидан, «Судлар тўғрисида»ги аввалги Қонундан фарқли ўлароқ, янги қонун асосида суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди.

Мазкур Қонунга мувофиқ: судьялар заҳираси судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, муассасалар, ташкилотлар, судьяларнинг жамоатчилик бирлашмалари аъзоларининг таклифи асосида судьяларнинг малака (квалификацион) ҳайъатлари томонидан шакллантирилади; судьялик лавозимига номзодлар ҳақидаги таклифлар Суд департаментида жамлаб борилади, унинг зиммасига судьялик лавозимига номзодларнинг ҳужжатларини йиғиш ва тайёрлаш, суд кадрлари малакасини ошириш вазифаси юклатилади; номзодларни муқобиллик асосида кўриб чиқиш ҳамда судьялик лавозимига тайинлаш ҳақида тақдимнома киритиш судьялардан, Олий Мажлис депутатларидан, ҳуқуқшунос олимлардан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда нодавлат ташкилотларининг вакилларидан иборат таркибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тузилган Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси томонидан амалга оширилади.

Суд кадрларини танлаш ва тайинлашга доир яратилган тизим суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини, судьялик лавозимига тайинлашда холисликни таъминлайди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий ҳужжат ҳисобланган «Судлар тўғрисида»ги янги Қонунга мувофиқ жиноий-процессуал ва фуқаролик-процессуал қонунчиликка ўзгартиришлар киритилди.

Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий қилинди. Бу суд хаталарини ўз вақтида тузатиш, суд иш юритишида сансалорликка йўл қўйилмаслигининг муҳим кафолати бўлди.

Янги қонунга мувофиқ апелляция инстанцияси суди ишни қайта кўриб чиқиш учун судга юбормасдан, ўзи мазмунан кўриб чиқишга ҳақли.

Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини юқори суднда келган бўлса-да, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида балоғат ёшига етмаган Р.Абдуллаев ўғай онасининг 3300 сўм пулини ўғирлагани учун қамоққа олинган. Навоий вилояти Хатирчи тумани ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан фуқаро Ш. Исматов харидордан 190 сўм ортиқча пул олгани учун жиноий жавобгарликка тортилган ва ҳукм қилинган.

Тошкент шаҳар, Бектемир тумани тергов органлари томонидан 19 ёшли Ҳожирасулов 25 килограмм гилос ўғирлагани учун жиноий жавобгарликка тортилган ва қамоққа олинган.

Бундай мисоллар, биринчи навбатда, қонунчилигимизда ва қонунларни жорий этиш амалиётининг айрим қисмларида бугун бизнинг қарашларимизга номаъқул бўлган тажрибалар қўлланилаётганини кўрсатади.

Бундай ҳолларда қонунни бузган одамдан уни такрорламаслик ҳақида тилхат олиш, гаров каби бошқа эҳтиёт чораларини, жарима каби жазоларни қўллаш ўзини оқлашини унутмаслик керак. Афсуски, юқоридаги ҳар бир ҳолатда тергов органлари энг оғир эҳтиёт чораларини қўллаган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу йилнинг июнь ойида менинг топшириғим бўйича тергов ҳибсхоналарида ўтказилган текширув натижасида кўплаб ана шундай фактлар аниқланди. Жамият учун хавфли бўлмаган жиноятларни содир этган, илгари судланмаган ва ҳатто етказилган моддий зарарни тўла қоплаган шахслар қачон суд мажлиси бўлишини кутиб, ойлаб ҳибсда сақланган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бир ой ичида тергов ҳибсхоналаридан икки минг нафардан зиёд ана шундай шахслар озод қилинди.

Бундай ҳолатларнинг ҳар бири ортида тирик жон, бизнинг ватандошимиз, унинг алам-изтиробларини бирга тортаётган ўғил-қизлари, оиласи, қариндош-уруғлари борлигини, минг афсуски, унутамиз.

Буни қандай изоҳлаш мумкин? Бу фактлар, аввало, шундан гувоҳлик берадики, тергов органлари жиноятларнинг содир этилишига олиб келган ҳақиқий сабаб ва шарт-шароитларни, ҳуқуқбузарнинг шахси ва уни жиноятга ундаган омилларни ҳар доим ҳам пухта ўрганмайди.

Терговни зўравонлик билан олиб бориш, яъни олдин ҳибсга олиб, жамиятдан ажратиб, кейин унинг айбини исботлашга киришишдек ўтган замондан қолган ярамас тажрибага ҳали-ҳануз барҳам берилмаган.

Ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим нопок ходимлари учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи навбатдаги вазифа бўлмай, балки қўрқитиш, ўз ваколати ва ҳукмдорлигини кўрсатиб қўйишга интилиш, ўзини гўё жиноятчиликка қарши курашаётгандек қилиб кўрсатиш каби ноҳуш одат ҳамон яшаб келмоқда.

Шундайлар ҳам борки, улар қонунчилигимиздаги айрим номукаммалликлар, одамларнинг хато ва бахтсизликлари ҳисобига ўзларининг ғаразли, таъмагирлик мақсадларига эришишга уринади.

Бундай ходимлар халқ ҳақида, давлатнинг обрўси ва фаровонлиги ҳақида мутлақо ўйламайди.

Энг хавфлиси шундаки, одамлар тақдирига бепарволик, номақбул иш усуллари оқибатида биз оддий, умуман олганда, қонунга итоат этувчи, лекин қонундан бироз чекинган фуқароларни нотўғри жазолаб, улардан ҳокимиятга ҳам, қонунга ҳам ишонмайдиган норози одамлар тоифасини ўз қўлимиз билан яратамиз.

Сир эмас, бунинг оқибатида жиноий иш эса унинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли ҳаракатдан қолдирилди.

Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди.

Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади.

Лекин шуни афсусланиб тан олишимиз керакки, ҳали-бери қонунчилигимизда ҳам, қонунни қўллаш фаолиятимизда ҳам ўтмиш замоннинг иллатларидан ҳамон қутила олмаяпмиз. Суд-тергов тажрибасида баъзан умуман тоқат қилиб бўлмайдиган мантиқсизликларга йўл қўйилмоқда.

Жамият учун унчалик хавфли бўлмаган қонунбузарликни содир этган шахс судларимиз томонидан амалдаги қонунларимизга кўра беш йил ёки ундан ҳам кўп муддатларга озодликдан маҳрум этилади.

Масалан, Фарғона вилояти, Охунбобоев туман суди томонидан 20 ёшли Моргунов болалар боғчаси ошхонасидан 8600 сўмлик идиш-товоқ ўғирлагани учун, гарчи бу нарсаларни эртаси куниёқ қайтариб олиб келган бўлса-да, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида балоғат ёшига етмаган Р.Абдуллаев ўғай онасининг 3300 сўм пулини ўғирлагани учун қамоққа олинган. Навоий вилояти Хатирчи тумани ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан фуқаро Ш. Исматов харидордан 190 сўм ортиқча пул олгани учун жиноий жавобгарликка тортилган ва ҳукм қилинган.

Тошкент шаҳар, Бектемир тумани тергов органлари томонидан 19 ёшли Ҳожирасулов 25 килограмм гилос ўғирлагани учун жиноий жавобгарликка тортилган ва қамоққа олинган.

Бундай мисоллар, биринчи навбатда, қонунчилигимизда ва қонунларни жорий этиш амалиётининг айрим қисмларида бугун бизнинг қарашларимизга номаъқул бўлган тажрибалар қўлланилаётганини кўрсатади.

Бундай ҳолларда қонунни бузган одамдан уни такрорламаслик ҳақида тилхат олиш, гаров каби бошқа эҳтиёт чораларини, жарима каби жазоларни қўллаш ўзини оқлашини унутмаслик керак. Афсуски, юқоридаги ҳар бир ҳолатда тергов органлари энг оғир эҳтиёт чораларини қўллаган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу йилнинг июнь ойида менинг топшириғим бўйича тергов ҳибсхоналарида ўтказилган текширув натижасида кўплаб ана шундай фактлар аниқланди. Жамият учун хавфли бўлмаган жиноятларни содир этган, илгари судланмаган ва ҳатто етказилган моддий зарарни тўла қоплаган шахслар қачон суд мажлиси бўлишини кутиб, ойлаб ҳибсда сақланган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бир ой ичида тергов ҳибсхоналаридан икки минг нафардан зиёд ана шундай шахслар озод қилинди.

Бундай ҳолатларнинг ҳар бири ортида тирик жон, бизнинг ватандошимиз, унинг алам-изтиробларини бирга тортаётган ўғил-қизлари, оиласи, қариндош-уруғлари борлигини, минг афсуски, унутамиз.

Буни қандай изоҳлаш мумкин? Бу фактлар, аввало, шундан гувоҳлик берадики, тергов органлари жиноятларнинг содир этилишига олиб келган ҳақиқий сабаб ва шарт-шароитларни, ҳуқуқбузарнинг шахси ва уни жиноятга ундаган омилларни ҳар доим ҳам пухта ўрганмайди.

Терговни зўравонлик билан олиб бориш, яъни олдин ҳибсга олиб, жамиятдан ажратиб, кейин унинг айбини исботлашга киришишдек ўтган замондан қолган ярамас тажрибага ҳали-ҳануз барҳам берилмаган.

Ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим нопок ходимлари учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи навбатдаги вазифа бўлмай, балки қўрқитиш, ўз ваколати ва ҳукмдорлигини кўрсатиб қўйишга интилиш, ўзини гўё жиноятчиликка қарши курашаётгандек қилиб кўрсатиш каби ноҳуш одат ҳамон яшаб келмоқда.

Шундайлар ҳам борки, улар қонунчилигимиздаги айрим номукаммалликлар, одамларнинг хато ва бахтсизликлари ҳисобига ўзларининг ғаразли, таъмагирлик мақсадларига эришишга уринади.

Бундай ходимлар халқ ҳақида, давлатнинг обрўси ва фаровонлиги ҳақида мутлақо ўйламайди.

Энг хавфлиси шундаки, одамлар тақдирига бепарволик, номақбул иш усуллари оқибатида биз оддий, умуман олганда, қонунга итоат этувчи, лекин қонундан бироз чекинган фуқароларни нотўғри жазолаб, улардан ҳокимиятга ҳам, қонунга ҳам ишонмайдиган норози одамлар тоифасини ўз қўлимиз билан яратамиз.

Сир эмас, бунинг оқибатида фуқароларнинг айнан ана шундай қатламидан, айниқса, ёшлардан ашаддий жиноятчиларнинг пайдо бўлишига ўзимиз сабабчи бўламиз.

Сўзсиз, ўз номига доғ тушираётган бундай ходимлардан қатъий воз кечиш керак. Шу билан бирга, айрим қонун нормаларини, биринчи навбатда, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган қонун нормаларини қўллаш ҳолатларини танқидий баҳолашимиз лозим.

Ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб келинаётган тамойиллар ва талабларга жавоб берадиган мезонлар асосида ҳуқуқбузарлик ва жазо тизимини қайта кўриб чиқишимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини оширишга қаратиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки, биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ.

Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Шу билан бирга, миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланган кўпгина фуқароларимизга содир этган жинояти учун сўроқ ёки тергов ишлари бошланишининг ўзиёқ тегишли хулоса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун кўп ҳолларда кифоя бўлади, деб ўйлайман.

Бугун жиноят учун жазо тайинлаш борасида юқорида келтирилган ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш вақти етди. Жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини ўзгартириш бўйича ушбу сессияга тақдим қилинган таклифларни бу соҳадаги дастлабки қадамлар деб қабул қилиш керак.

Табиий бир савол туғилади: уларнинг моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат? Уларни қабул қилиш билан нима ўзгаради? **Биринчидан,** сизлар яхши биласизлар, амалдаги жиноят қонунчилигимизда барча жиноятлар, ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, тўрт гуруҳга бўлинади. Эслатиб ўтаман: булар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлардир.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар Жиноят кодексидаги жами 460 жиноят таркибидан 86 тасини ёки бошқача айтганда, 18,7 фоизини ташкил этади.

Бугун жиноят қонунчилигини эркинлаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига янада мувофиқлаштириш мақсадида яна 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятларни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказиш таклиф этилмоқда. Шундай қилиб, Жиноят кодексидаги жиноятлар таркибининг 42,8 фоизи ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноятлар ҳисобланади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасининг кўпайиши тергов ва суд органларининг қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқий чеклашлардан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Жиноятнинг бундай тоифасини содир этгани учун судланиб, озодликдан маҳрум қилинганлар жазони колония жойларида қўриқчисиз ўтайди, эркин юриш ҳуқуқига, қариндош-уруғлари ва яқинлари билан чекланмаган миқдорда учрашиш ва бошқа бир қатор имтиёзларга эга бўлади.

12 турдаги жиноятни оғир тоифадан унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, етти турини эса ўта оғир жиноятлар тоифасидан оғир жиноятлар тоифасига ўтказиш таклиф этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ўзгартишлар жазони ўташ режимига таъсир кўрсатади. Жазони енгилроғи билан алмаштириш, жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш тартибини қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар тақдирини сўзсиз анча енгиллаштиради.

Жиноятларни белгилаш қоидаларининг ўзгартирилиши Жиноят кодексимизнинг умумий йўналишини том маънода ўзгартиришга ва уни ҳуқуқий-демократик давлат тамойилларига мослаштиришга имкон беради.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: тасдиқлаш учун таклиф этилган ўзгаришлар жиноятлар таркибининг 73,1 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ва фақат чорак қисмигина оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига ўтказилади.

Иккинчидан, жиноят қонунчилигида иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу — қонунчилигимизда иқтисодий соҳадаги жиноятлар ва унинг учун жавобгарлик тушунчасини замон талабига мос равишда идрок этишга асосланган янгича ёндошувдир.

Бунинг моҳияти нимада? Озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллашни кенгайтириш, жарима миқдорини ошириб, энг аввало, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чораларидан фойдаланиш таклиф этилмоқда.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш ўрнига гаров, тегишли хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш ва бошқа чоралардан фойдаланиш маъқулдир. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий жиноят содир этганликда айбланувчи ўзининг судга қадар қамалмаслигини аниқ билса, тергов ва суддан яширинишга ҳаракат қилиб ўтирмайди.

Бугунги кунда судлар томонидан тайинланаётган жазо чоралари ичида жарима жазоси атиги 8,3 фоизни ташкил этади, уни қўллаш даражаси эса пасайиб бормоқда.

Айни пайтда, жиноят содир этган ҳар икки шахсдан бирига озодликдан маҳрум қилиш чораси қўлланилмоқда. Жазо чораларига доир таклиф этилаётган ўзгаришлар жиноятлар таркибининг 87 тасига тааллуқли бўлиб, жиноят қонунининг жазолаш таъсирини камайтиради.

Шу билан бирга, жавобгарлик доирасини янада аниқроқ белгилаш ва унга алоҳида ёндашув ҳисобига жазонинг тарбиявий аҳамиятини ва унинг самарасини ошириш имконини ҳам беради.

Жиноят кодексининг бешта моддасига, агар жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, судлар томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик ҳақидаги нормалар киритиш таклиф этилмоқда.

Ўйлайманки, жазо белгилашнинг муқобил турларини қўллашни кенгайтириш жиноят қонунчилигимизни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлади.

Учинчидан, бутун жаҳонда муҳокама этилаётган муҳим масалалардан бири — ўлим жазосининг жиноий жазо чораси сифатида қолаётганлиги билан боғлиқ муаммодир.

Айрим мамлакатларда ўлим жазоси тақиқланган, баъзиларида эса унга нисбатан мораторий эълон қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида жаҳон ҳамжамиятининг ушбу муаммога муносабати аниқ-равшан баён қилинган: «Ўлим жазоси масаласида кўзда тутиладиган асосий мақсад, - дейилади ушбу ҳужжатда, - бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини янада камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозим».

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон Конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради.

Бинобарин, инсонга, унинг Парвардигор ато этган ҳаётига ҳамиша буюк неъмат сифатида муносабатда бўлиб келган халқимизнинг маънавий қадриятлари ҳам шуни тақозо этади.

Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, 1994 йили Жиноят кодекси қабул қилинганида 13 та моддада жазо чораси сифатида ўлим жазоси кўзда тутилган эди. 1998 йили бу жазо тури Жиноят кодексининг бешта моддасидан олиб ташланди.

Яъни, бугунги кунда ўлимга ҳукм қилиш мумкин бўлган моддалардан фақатгина саккизтаси қолдирилган. Бугун улардан яна тўртта моддасини қисқартириш таклифи киритилмоқда.

Таклиф этилаётган муайян ўзгаришлар қабул қилинган ҳолда, фақат тўрт турдаги жиноятлар учун ўлим жазоси қўлланиши мумкин бўлади. Агрессия, геноцид, террорчилик шулар жумласидан ҳисобланиб, халқаро нормаларга мувофиқ, улар энг оғир жиноят сифатида қаралади ва ўта қаттиқ жазо тайинлашни тақозо этади.

Яна битта сақланаётган модда — қасддан одам ўлдириш ўта оғир жиноятлар қаторига киради ва оғирлаштирувчи ҳолатларда бундай жиноятни содир этадиганларга ўлим жазоси қўлланилиши мумкин.

Бир ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: инсон ҳаёти Худо томонидан ато этилган улуғ неъмат экан, демак, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одамни ҳаётдан маҳрум этиш ўлим жазосига лойиқдир.

Тўртинчидан, қонунчилигимиздаги жиноий жазо тури сифатида мол-мулкни мусодара қилиш жазосини қўллаш тартибини қайта кўриб чиқиш таклиф этилмоқда.

Сизларга яхши маълумки, бошқа турдаги жиноий жазоларга қўшимча сифатида қўлланадиган ушбу жазо туридан шўролар даврида кенг фойдаланилган эди. Бундан кўзланган мақсад битта: яъни, одамни бутунлай синдириш, руҳан эзиш, уйидан, рўзғоридан айириш ва яна энг номақбули, оиласи, фарзандларини асосий тирикчилик манбаидан маҳрум этиш эди.

Халқимиз марказдан келган «десант»чи терговчилар «пахта иши», «ўзбеклар иши» каби сохта айбловлар асосида минглаб мутлақо бегуноҳ кишиларни қамоққа ташлаган оғир кунларни бошдан ўтказди. Ана шу кезларда одамларнинг мол-мулкини рўйхатга олиш каби таҳқирловчи, ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар кўплаб содир этилди. Судланувчиларнинг хотинлари, болачақалари бамисоли кўчага ҳайдалиб, турли хўрлаш ва камситишларга дучор этилди.

Бундай ишларни амалга оширган «десант»чиларнинг ўзлари эса катта минбарларга чиқиб, демократия ва ошкоралик, қайта қуриш ва инсон ҳуқуқлари ҳақида бор овоз билан дунёга жар солди. Аслида, ҳибсга олинган ва маҳкум этилганларнинг болалари ва қариндошлари моддий ва маънавий нуқтаи назардан ноҳақ бадном бўлиб, ана шу тазйиқлар тамғасини бир умр кўтариб юришга мажбур бўлдилар.

Мана, бугун замон ўзгарди. Ҳаёт ҳамма нарсани жой-жойига қўйди. Аммо ўша даврдаги эскича қарашлар асорати муайян масалаларга ёндашувда, шу жумладан, қонунчилигимизда, ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётида баъзан кўзга ташланиб қолмоқда.

Табиийки, жиноий йўл билан орттирилган мол-мулк ва бойликларни мусодара қилиш ва етказилган зарарни мол-мулк ҳисобидан ундиришга доир қонун нормалари ўз кучида қолади. Аммо қонунни бузган оила бошлиғининг қилмиши учун унинг хотини, бола-чақаси азият чекмаслиги ва жавоб бермаслиги керак.

Инсон ҳуқуқининг моҳияти ҳам, авваламбор, мана шундадир. Биз синфий кураш ғояларига, давлат манфаатларининг мутлақ устунлигига асосланган ва ҳали-бери онгимиздан батамом йўқ бўлиб кетмаган коммунистча ёндашувлардан воз кечишимиз керак.

Яъни, агар бирор бир оила бошлиғи қонунни бузишда айбланадиган бўлса, унинг бутун оиласи ва яқинлари ҳам жиноят тамғаси ва шармисорлик азобини кўтариб юришига қаршимиз. Биз отанинг номуносиб хулқи учун оила аъзолари, энг аввало, ҳаётга ёруғ ният ва катта умидлар билан эндигина қадам қўяётган ёшларнинг жамиятдан узилиб қолишига асло йўл қўймаслигимиз керак. Бу — бизнинг бош мақсадимиздир.

Бешинчидан, биз вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланадиган жазо тизимини қайта кўриб чиқмоғимиз зарур. Бизнинг жиноят қонунчилигимиз инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда, жиноят содир қилган аёллар ва вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда бир қатор енгилликларни назарда тутади.

Ишончим комилки, бу борадаги эркинлаштириш жараёнини изчил давом эттиришимиз зарур.

Шуни тан олиб айтиш керакки, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик — бу аввало биз, катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам, руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш — аввало, биз, ота-оналар ва давлатнинг зиммасига тушади.

Бугунги кунда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар умумий жиноятлар миқдорининг 4 фоизини, аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар эса қарийб 11 фоизни ташкил этади. Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётганлар умумий миқдорининг бир фоизи вояга етмаганлар, 2,3 фоизи эса аёллардир.

Шуни барчамиз англаб олишимиз муҳимки, колониялардаги ишлар нечоғли яхши ташкил этилмасин, барибир, бу ер ёшларни тарбиялайдиган жой эмас.

Кўп ҳолларда арзимас қилмиши эвазига қаттиқ жазо олган навқирон йигит айнан шу ерда жиноят оламига киради, ашаддий жиноятчиларга қўшилиб, уларнинг турмуш тарзига хос кўникмаларни эгаллай бошлайди.

Бугун Жиноят кодексига киритиш учун тавсия қилинаётган ўзгартиришлар олтмиш ёшдан ошган эркакларга ва аёлларга нисбатан тайинланадиган озодликдан махрум қилиш шаклидаги юқори жазо муддатларини ҳам камайтиришга қаратилган. Бу тоифадаги кишиларга бирор-бир жиноят учун бериладиган жазо қонунда назарда тутилган энг юқори муддатнинг тўртдан уч қисмидан ошмайди.

Яна бир муҳим ўзгаришга эътибор беришингизни истардим. Вояга етмаганлар томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этилса, уларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик таклиф этилмоқда.

Шу билан бирга, сессия муҳокамасига киритилган таклифларда ёши олтмишдан юқори бўлган эркакларга ўлим жазосини қўллаш амалиётини тақиқлаш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Нега деганда, фарзандлари, неваралари бор, соч-соқоли оппоқ қарияни ҳаётдан маҳрум этиш бизнинг миллий анъаналаримизга мутлақо тўғри келмайди. Кексаларни эъзозлаш, уларга мурувват кўрсатиш ва ғамхўрлик қилиш халқимизнинг ўзига хос бетакрор ва бебаҳо инсоний фазилатларидан ҳисобланади.

Ёши бир жойга борганида жиноятга қўл урганлар, майли, яхшиси, Оллоҳни ёдга олиб, унга илтижо қилсин, яқин орада Яратганнинг ҳузурида ўз қилмишларига яраша ҳисоб бериши муқаррарлиги ҳақида ўйласин. Майли, хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри ишлари учун улар вақти-соати келиб, невара- чеваралари, келгуси авлодлари олдида жавоб бериши лозимлиги ҳақида ўйласин.

Олтинчидан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини эркинлаштириш ва демократлаштиришда ишларни кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш, жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш муддатларини қисқартириш долзарб вазифаларимиздан бири бўлиб турибди.

Чунки, тергов ҳамда суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу соҳада ҳозир ҳам хато-камчиликлар талайгина.

Баъзан бирон-бир иш ойлаб, йиллаб тергов идоралари томонидан текширилади, сўнгра судда кўрилиши учун яна навбат кутиб ётади.

Амалдаги қонунларга кўра, жиноят ишларини дастлабки тергов қилиш икки йилгача, айбланувчини қамоқда ушлаб туриш муддати эса бир ярим йилгача узайтирилиши мумкин. Ҳолбуки, бу муддатнинг ҳар бир куни ҳукм чиқарилишини кутаётган одам учун, айниқса, у қамоқхонада ўтирган бўлса, жазонинг ўзидан ҳам оғирроқдир.

Шу муносабат билан Жиноят кодексига тергов қилиш ва ҳибсда сақлаш муддатларини тўққиз ойга қадар камайтириш бўйича ўзгартиш киритиш катта аҳамият касб этади.

Яна бир янгилик. «Жабрланувчи билан яраш»ув тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят процесси қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлади.

Хўш, бу ерда гап нима ҳақда бормоқда?

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс, агар муқаддам судланмаган бўлса, ўз айбини бўйнига олса, жиноят оқибатида келтирган зарарни тўласа, жабрланувчи билан ярашса, суд ишни ҳаракатдан тўхтатади.

Бу ҳолатда жиноят содир этган шахс судланган деб ҳисобланмайди. Муҳими, дастлабки тергов ишларини олиб бориш ва ишни судда кўриш учун сарфланадиган муддатлар қисқаради. У узоғи билан уч ҳафтагача чўзилиши мумкин.

Ҳурматли депутатлар!

Бугун кўриб чиқилаётган Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар жиноий ишларга тааллуқли қонунларни эркинлаштириш ва демократлаштириш сари ташланган муҳим ва масъулиятли қадамдир.

Айни чоғда, шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, биз бу ишни амалга оширадиган идоралар фаолиятини тубдан ўзгартирмас эканмиз, бу қонун нормалари тўла-тўкис ишламайди ва ижобий самара бермайди.

Шунинг учун ҳам ушбу сессияда «Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳасини талабчанлик ва синчковлик билан, принципиал нуқтаи назардан кўриб чиқиш ғоят муҳим. Лойиҳа учинчи ўқишда муҳокама этилмоқда.

Бу бир жиҳатдан табиийдир. Негаки, прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У

ИСТИҚЛОЛ МАШЪАЛИ АБАДИЙ ЛОРЛАГАЙ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўн йилда эришган ютуқларимизни санаб адоғига етиш қийин. Буюк аждодларимиз руҳига эҳтиромнинг Ватанга қайтишини, Ватан фарзандларининг дилидан мустаҳкам жой олганини сўзлайликми! Фарзандлари қора меҳнатдан бошқасига ярамайди, деб камситилган юртда замонавий автомобилсозлик саноатининг пайдо бўлганини айтайликми! Четга хомашё сифатида ташиб кетилаётган пахтамизни энг замонавий технологиялар асосида ўз юртимизда ўзимиз тўла қайта ишлай бошлаганимизни таъкидлаймизми! Иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этиб келган Ўзбекистон оғир ва енгил саноат, самолётсозлик, автомобилсозлик ва машинасозлик, кончилик, нефт-газ, қайта ишлаш соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритди. Истиқлолнинг илк йилларидаёқ ғалла ва нефт мустақиллигига, энергетика таъминоти борасида барқарорликка эришилиб, юксалиш учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Шу аснода қишлоқ хўжалигида ҳам туб ислоҳотлар ўтказилиб, одамларда ерга, мулкка, меҳнатга муносабат ўзгарди.

Бугун иқтисодиётимизда ўн йил аввал тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган янги соҳалар пайдо бўлди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Ислоҳотларимиз самарасини бугун эслаб қўйсак ва бундан ғурурлансак арзийди. Неча йилдирки, Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришлар, эришган ютуқларимиз чет элларда ҳам овоза бўлмоқда, хорижликлар тилига "Ўзбек модели" деган ибора тушди.

Одатга кўра, Истиқлол байрами 31 август куни оқшом мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонидан бошланади ва бутун мамлакат бўйлаб давом этади.

Бу йил ҳам Мустақиллик майдони халқимиз қалбида туғён ураётган шодлик ва беқиёс қувончнинг тимсолига айланган. Улкан майдон бу йил ҳам мингларча иштирокчи ва меҳмонларга тўла. Бинолар, улкан саҳна, амфитеатр жуда чиройли безатилган. Қирмизи шафақ томондан эсган ўйноқи шаббодада байроқлар ҳилпирайди, шиорлар кўзни қамаштиради, гулдаста кўтарган қизалоқлар, қўлида шар тутган, икки лунжини тўлдириб ширинлик емоқда бўлган болажонлар, бири-биридан сулув, лобар қизлар, ўктам йигитлар, нуроний отахону онахонлар — мустақиллик ижодкори бўлган ватандошларимиз майдонни тўлдирган.

Ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар, турли фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг вакиллари, энг улуғ ва энг азиз байрамимизга ташриф буюрган бошқа хорижлик меҳмонлар, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар амфитеатр саҳнидан жой олди. Байрам бошланаётганидан огоҳ қилувчи чорлов садолари ҳавони титратганда, кўнгил ҳаяжондан ҳаприқади.

Минбарга мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таклиф этилади.

Юртбошимиз мустақиллигимизнинг ўн йиллиги муносабати билан бутун Ўзбекистон халқини муборакбод этди.

Майдон узра Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди. Мадҳияга барча иштирокчилар, меҳмонлар, ота-онасининг қўлидан тутиб келган болажонларимиз жўр бўлади. Неча минг юрақдан отилиб чиқаётган садолар бутун дунёга таралаётгандек. Асли, шундайлиги рост ҳам. Миллий байрамимиз тантаналарини элликдан ортиқ мамлакат бевосита телевизор орқали томоша қилиш имконига эга бўлди. Шунингдек, у интернет тармоғи орқали дунёнинг телетўлқин етиб бормаган олис бурчакларига ҳам кириб боради.

Энг улуғ ва азиз байрамимиз нафақат пойтахтнинг марказий майдони, балки мамлакатдаги барча шаҳару қишлоқларда, ҳар бир хонадонда кўтарини рухда нишонланаётгани Ўзбекистон тараққиётининг асосий устувор йўналишларини белгилаб олишда тўғри йўл тутилгани, ҳар қандай ёш мустақил давлат олдида учраши мумкин бўлган табиий ва ғайритабиий тўсиқларга қарамасдан, қўйилган вазифалар адо этиб келинаётганининг яққол тасдиғидир. Саховатли кишиларнинг букилмас иродаси, фидойи юртдошларимизнинг Ватан равнақи йўлидаги хизматлари биланги бугунги даражага чиқдик. Ўзини ўн йил аввалги ҳолатига қиёслаган ҳар бир фуқаро жуда катта фарқни яққол кўради. Боқимандалик, давлатга бегонадек муносабатда бўлиш кайфияти йўқ. Аксинча, бозор қўниқмалари ҳосил бўлди, мулкчилик шакилланди, тадбиркорликка, хусусий бизнесга кенг йўл очилди.

Ўзбекистон халқаро майдонда тинчликпарварлик сиёсатини юритиб, мавжуд муаммоларга дадиллик ва фаоллик билан ечим топишга ҳаракат қилиб келмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, Афғонистон муаммосига, Орол инқирозига, халқаро террор, диний экстремизм ва наркомафия каби иллатларга жаҳон ҳамжамиятининг эътибори қаратилди.

Эътиборли томони шундаки, бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлик таянчи сифатида эътироф этади.

Давлатчиликни шакллантириш, иқтисодий мустақиллик асосини мустаҳкамлаш билан бирга, сиёсий, керак бўлганда, ҳарбий-сиёсий салоҳиятимизни оширмоқдамиз. Ҳокимият органлари тубдан ислоҳ этилди. Давлатчилигимизнинг ютуғи шундаки, унда миллий ва замонавий анъаналар уйғунлашиб, ўзимизгагина хос алоҳида бир тизим яратилди.

Қишлоқ ва шаҳарларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик, энг муҳими, илгари бўлгани каби мавҳум мамлакатга эмас, ўз қўлимиз билан гуллатаётган Ватанга муҳаббат қарор топди. Бунинг сабаблари кўп. Сабаб — иқтисодиёт барқарор ривожланиб бораётгани, фуқароларда эртанги кунга умидишончнинг бардавомлиги, юртдаги тинчлик, осойишталик. Сабаб — ижтимоий тотувлик, ҳамжиҳатлик, бирдамлик. Сабаб — ғаразгўйларнинг нияти тошга теккан ойнадек чил-чил бўлаётганини ҳамма кўриб тургани. Сабаб — халқнинг ўз доно Йўлбошчисига, Йўлбошчининг эса ўз фидойи халқига садоқати. Сабаб — Истиқлол миллат орзуси эди ва у ижобат бўлгач, озод Ватанни гуллатиб-яшнатиш ҳар биримизнинг ҳам муқаддас орзумизга, ҳам олий бурчимизга айлангани!

Бугун Мустақил Ўзбекистон фуқаросиман, деган ҳар бир кишининг қалбида қувончу эҳтиросга тўла туйғулар жўш урмоқда. Ўн йил ичида кўп ютуқларни қўлга киритдик. Ҳуррият йўлида аждодларимизнинг дарё-дарё қони тўкилганини биламиз. Ватаннинг забардаст, фидойи ўғлонларининг шонли кураши биз, авлодларга Мустақиллик деган мева берди. Эндиги вазифамиз Истиқлолимизни ёмон кўзлардан асраб-авайлаш, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, авлодларга озод ва обод мамлакат қолдиришдан иборатдир. Ана шу мақсадларимизга тўсқинлик қилувчилар бўлди. Лекин биз Йўлбошчимиз раҳбарлигида бунёдкорлик йўлини танладик. Фарзандлар, ёш авлод тарбиясига эътиборни кучайтирдик. Айни пайтда ҳар бир фуқаро ўзини ҳам Ватаннинг бунёдкори, ҳам Ватаннинг қўриқчиси, деб билади.

Ҳа, ўн йиллик давр — бобо тарих учун бир лаҳза. Лекин ана шу лаҳзани ҳар жабҳада гўзал қила олдик. Келгусида ҳам қилган ҳар бир ишимиз, ўтган ҳар бир кунимиз тарихга зарҳал ҳарфлар билан битиларишига аминмиз. Зеро, Мустақилликнинг ўтган ўн йиллигини нишонлаётганимиз танланган йўлнинг тўғрилиги, қийинчиликлар ўткинчи, озод Ватан келажаги буюк эканини яна бир бор тасдиқлайди. Дўстларимизнинг қувончи, ғанимларимизнинг қайғусига сабаб бўлган улкан ютуқлар — ўзимизники...

...Майдонда театрлаштирилган томоша бошланди. Томошабинлар кўз ўнгида 2700 йиллигини нишонлайдиганимиз "Авесто"ни яратган олис аждодларимиз сиймоси пайдо бўлади. Сўнг ҳазрат Алишер Навоий, Ислом оламининг устунларидан бўлган Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Марғиноний каби улуғларимиз, Ал-Беруний, Ал-Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо сингари алломаю мутафаккир боболаримиз сиймоси гавдаланади.

Қўлида қилич билан Ватани ҳимоя этган Тўмарис она, халқимизга озодлик учун доим курашиш лузумотини эслатиб турадиган жасур Жалолиддин Мангуберди, миллат қудратини, шаъну шавкатини дунёга таратган буюк бобомиз Амир Темур сиймолари томошабинларни бобо тарих сабоқларидан яна бир бор огоҳ этади.

Бу йил 2500 йиллик тўйи нишонладиган Термизни улуғловчи саҳна кўринишлари Сурхондарёнинг дилни қитиқловчи оҳанглари воситасида намойиш этилади. Улкан саҳнани тўлдириб рақс тушаётган йигит-қизлар ҳаракатидаги ҳаққонлик ҳаммани сеҳрлайди.

Мамлакат қудрати унинг иқтисодий салоҳияти, маънавий-маданий бойликлари билан ўлчанади. Айни чоғда, Ватан озодлигининг қалқони бўлган ҳарбийларсиз юрт осойишталигини тасаввур этиб бўлмайди. Бир неча хил қўшин турларининг вакиллари бўлган ҳарбийлар жанговар ноғоралар садоси остида шаҳдам қадам ташлаб, Ватанни улуғлайдиган қўшиқларни жўр бўлиб куйлаб майдонга кирди. Уларни тинглай туриб, абжир йигитларнинг турли ҳарбий машқларидан намуналар томоша қила туриб, ҳамманинг дилида ифтихор, Ватан сарҳадлари ишончли қўлларда эканига ишонч ҳисси ошгани, шубҳасиз.

Она Ватан келажаги бўлган болаларнинг чиқишлари ҳам томошабинларда тотли таассурот қолдирди. Истиқлол тенгдошлари бўлган ўғил-қизларимизнинг бурро тили, мустақил Ватанни тараннум этаётган жарангдор овози кишини беихтиёр истиқболда ҳаётимиз қандай бўлиши ҳақидаги хаёлларга чулғайди. Биз фарзандларимизга ўзимиздан озод Ватан қолдиряпмиз, фаровон турмуш учун шарт-шароит, муҳит яратиш йўлида меҳнат қилмоқдамиз. Улар эса Ватанимизнинг қудрати, шуҳрати янада юксакроқ бўлиши учун она юртга биздан-да муносиброқ бўлади.

Мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар, мафтункор рақслар миллий маданиятимизнинг нақадар бой ва ранг-баранг эканлигини яна бир бор оламга намойиш этди. Ҳамманинг дилида битта ўй — Ватан! Ҳамманинг тилида битта сўз — Истиқлол!

Мамлакатимиз эстрада юлдузлари ижросидаги дастур айниқса дилларга завқ бағишлади. Шуниси қувончлики, замонавий эстрада санъатимиз миллий қадриятларимизга вобаста, қадимий оҳангларимиз йўлидан ривожланиб бормоқда. Ҳукуматимизнинг маданият ва санъатга, хусусан, миллий эстрада ривожига эътибори, соҳа вакилларига ғамхўрлиги юртни мадҳ этувчи гўзал асарлар пайдо бўлишига имкон яратмоқда. Байрам концерти дастурининг қарийб ярми шундай замонавий қуй-қўшиқлар билан тўлдирилган. Охирги композицияни барча санъаткорлар жўр бўлиб куйлашганда эса саҳна ва амфитеатр бир вужудга айланиб кетгандек бўлди. Катта тантана ана шундай юқори парда, ажойиб оҳангларда якунига етди.

Байрам томошаси улкан мушакбозлик билан ниҳояланди.

Мусулмон НАМОЗ,
Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбирлари
М.АМИН, Д.ЮСУПОВ
(ЎзА) олган суратлар.

АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми.Боши 1-2-бетларда)

Тергов қилиш муддатларини қисқартириш, жиноий ишларни тергов қилишда сифат ва тезкорликни ошириш мақсадида шаҳар ва туман прокурорларини тергов ва айбдорларни қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш таклиф этилмоқда.

Кўрсатилган ва белгиланган муддатларни узайтириш ҳуқуқлари вилоят прокурорлари, мамлакатимизнинг бош прокурори ва унинг муовинларига берилган. Умумий узайтириш муддати, яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман, 9 ойдан ошмаслиги керак.

Иккинчидан, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда прокуратура фаолияти устидан самарали, биринчи галда, жамоатчилик тўмонидан назорат ўрнатишни таъминловчи механизмлар мустаҳкам белгилаб қўйилиши лозим.

Мамлакатимиз Конституциясида прокуратура ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисоб бериши белгилаб қўйилган. Аммо бу нормани амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқий механизмлар ҳанузгача яратилмаган эди. Ер соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқ кўп ҳолларда прокуратура ходимлари ўртасида ўзбилармонлик ва шунга ўхшаган номаъқулчиликларга сабаб бўлди.

Қонунчиликка амал қилиниши устидан назорат ўрнатиши керак бўлган тизимнинг ўзида турли суиистеъмоллик ҳолатлари, порахўрлик каби иллатларнинг мавжудлиги мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Сўнгги бир ярим йил ичида 500 га яқин ходим интизомий жавобгарликка тортилган, прокуратура идоралари обрўсига путур етказувчи хатти-ҳаракатлари учун 44 киши эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Шулардан 9 нафари жиноий жавобгарликка тортилган.

«Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳасига прокуратура фаолияти устидан назоратни кескин кучайтирувчи қоидалар киритилди.

Қонун лойиҳасига Конституциявий суд томонидан Бош прокурор қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва амалдаги қонунчиликка мослиги устидан суд назоратини ўрнатиш механизми ҳақидаги қоиданинг киритилиши жуда тўғри бўлган, деб ўйлайман.

Қонун лойиҳасига вилоят, туман ва шаҳар прокурорлари қонунчиликнинг ва жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи тўғрисида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига мунтазам равишда ахборот бериб туриши шарт эканлиги ҳақидаги қоида ҳам киритилди.

Ушбу ҳужжатда прокурорлар ишини қонунчилик асосида баҳолашнинг аниқ мезонларини белгилаб берадиган нормалар ҳам илк бор кўзда тутилмоқда. Улар прокурорларни лавозимларга тайинлашда ҳисобга олинади.

Прокурорлар фаолиятига улар томонидан кўзғатилган жиноий ишлар ёки жавобгарликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда қонунчиликка амал қилинишининг ҳолатига қараб баҳо берилади.

Муҳтарам депутатлар!

Ижозатингиз билан юридик кадрлар ва биринчи навбатда, прокуратура органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг амалдаги тизими, унинг камчиликлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугун ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш бир қатор ўқув муассасаларида - Тошкент давлат юридик институтида, Қорақалпоғистон, Самарқанд ва Фарғона давлат университетларининг юридик факультетларида, бошқа ўқув даргоҳларида амалга оширилмоқда.

Холисона тан олиш керакки, сўнгги йилларда ўқув жараёнини, ўқитиш услуби ва шаклларини такомиллаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, кадрлар сифатига жиддий эътироз билдириш учун бизда ҳамма асослар бор. Хусусан, малакали ҳуқуқшуносларни тарбиялаш иши ҳамон эскича олиб борилмоқда, ўқитиш дастурларининг сифати, айниқса, ҳуқуқнинг янги устувор йўналишлари бўйича, замонавий талабларга жавоб бермайди.

Уларда эскича ёндашув ва тамойиллар ҳали-ҳануз сақланиб қолмоқда. Ўқитувчиларнинг ўзини қайта тайёрлаш ва касб маҳоратини ошириш тизими ҳамон паст савияда қолмоқда. Улар ўз маҳоратларини ошириш устида деярли ишламайди.

Андижон ва Наманган давлат университетларида бор-йўғи учтадан фан номзодлари ишлайди, фан доктори илмий даражасига эга бўлган бирорта ҳам ўқитувчи йўқ. Шунга қарамай, бу ўқув юртлари ўз битирувчиларига ҳуқуқшунос деган университет дипломларини бермоқда.

Ихтисослашган юридик адабиётларни, дарслик ва услубий қўлланмаларни нашр этиш иши ҳам мутлақо талаб даражасида эмас.

Лўнда қилиб айтганда, таълим жараёни ҳамда юридик амалиётни илмий жиҳатдан таъминлаши лозим бўлган ҳуқуқшунослик фани замон талабларидан орқада қолган.

Биз бугунги кунда ҳуқуқшунослик институтидан, унинг профессор-ўқитувчиларидан суд-ҳуқуқий ҳамда юридик тизимни такомиллаштиришга доир бирорта йирик ташаббус чиққанини эслай олмаймиз.

Мамлакатимизда ҳуқуқшунослик соҳасидаги муҳим муаммоларга оид фундаментал тадқиқотларни ташкил этадиган ҳамда мувофиқлаштирадиган республика Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти бу соҳадаги янгиликлардан ортда қолиб, амалда бу борадаги фаолиятини деярли тўхтатган. Янгича ҳуқуқшунослик мактаби бизда, афсус билан таъкидлаш керакки, қонунгача шаклланган эмас.

Айни вақтда биз юридик кадрлар тайёрлайдиган ўқув ва илмий марказлардан, авваламбор, Адлия вазирлигидан улар ўзларига қўяётган талабларни қайта кўриб чиқишни кутишга ҳақлимиз.

Тошкент юридик институти фақат таълим йўналишидаги ўқув юрти бўлиб қолмай, жиддий илмий база асосида ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ дастурлар, қарорлар лойиҳалари тайёрланадиган илмий ва ташкилий марказга айланиши лозим.

Умид қиламизки, ҳуқуқшунослик институти, мамлакатимизнинг бошқа йирик ўқув ва илмий марказлари бор салоҳиятини миллий ҳуқуқшунослик мактабини яратишга қаратади.

Бу даргоҳда ҳуқуқшунослик фани илмий ва амалиётининг долзарб муаммоларига доир очиқ ва кенг баҳс-мунозаралар олиб борилади, ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш, қонунлар тайёрлашнинг истиқболли дастурлари тайёрланади.

Ҳурматли депутатлар!

«Прокуратура тўғрисида»ги қонун муҳокама этилиши муносабати билан яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман.

Қонунни ҳимоя қилиш, суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб боришдан иборатдир.

Биз мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етсак, ўшанда жамиятимизда жиноятчилар сони ҳам, эҳтимол бу соҳада ишловчи ходимларнинг сони ҳам кескин камаяди.

Аммо бугунги кунда, айтиш мумкинки, тушуниб бўлмайдиган, қандайдир мавҳум вазият юзага келмоқда.

Биз ҳали ҳам болаларнинг ҳуқуқий тарбиясига етарлича эътибор бермаяпмиз. Мактаблардаги ўқув дастурларида қонунларни, ҳуқуқий тизимимизнинг асосларини ўрганишга амалда эътибор берилмаяпти.

Таажжубланиб айтмоқчиманки, бу масалалар билан ойлалар ҳам, жамоатчилик ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ҳам самарали тарзда шуғулланмаяпти. Биз инсон улғайиб, фаол турмушга киришиб, жиноят қилганда ёки қонунни буза бошлагандагина у содир этган ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан «муваффақиятли» кураша бошлаймиз.

Келинг, азиз дўстлар, бир ўйлаб кўрайлик. Вақт ўтгач, бундай салбий ҳолатларга қарши курашгандан кўра, аввал-бошдан бундай қонун бузилишларининг олдини олган яхши эмасми?

Ҳуқуқбузарлик қилган инсон ҳали ёш, дунёқараши ва ҳуқуқий онги эндигина шаклланаётган, қонунларга итоат қилувчи киши қилиб тарбиялаш мумкин бўлган пайтда аниқ мақсадни кўзлаб, унинг тарбияси билан шуғулланган яхши эмасмиди?

Бу масаланинг ҳал этилиши прокуратура идоралари, бутун ҳуқуқий тизимимиз ва умуман, жамиятимиз учун асосий фаолият йўналиши бўлмоғи керак.

Азиз юртдошлар!

Шахс эркинлиги ва ҳуқуқларини, бутун жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунларнинг қабул қилиниши, бир томондан, фуқароларнинг бу қонунларни ҳурмат этиши ва уларга амал қилиши шарти бўлса, бошқа томондан, бугун ўз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлаш арафасида турган мамлакатимизнинг изчил демократик тараққиёти гаровидир.

Сўзимнинг ниҳоясида, ҳурматли депутатлар, сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни энг азиз, энг улуғ байрамимиз - Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги билан яна бир бор муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сизларга, барча Ўзбекистон фуқароларига тинчлик-омонлик, бахт-саодат, фаровонлик тилайман.

ТАРИХИЙ АДОЛАТНИНГ ТИКЛАНИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари хиёбондаги рамзий қабрга гул қўйди. Шундан сўнг бу ерда барпо этилажак "Қатағон қурбонлари хотираси" музейининг макети билан танишди. Музейнинг жойлашуви, ташқи қиёфаси, моҳияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Жумладан, музей анҳор ёқасида жойлашмоғи, миллий меъморлик анъаналарини ўзида мужассам этмоғи мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

— Мажмуага зиёратга келган киши музейни ҳам зиёрат қилади, — деди Президент. — У ўзига хос маънавият ўчоғига айланиши керак.

Қулайлик учун музейга тўрт томондан эшик очиш мўлжалланмоқда. Ислом Каримов унинг гумбазини ичкарини қуёш нури билан ёритадиган усулда қуриш ҳақида фикр билдирди. Бу билан шаҳидлар руҳи Истиқлол қуёшининг нуридан баҳра олган бўлади.

— Чўпон айтганидек, халқ дengиздир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ҳар қанча жабр-зулм етказиш мумкин, лекин халқнинг иродаси букилмайди. Бугунги тадбирнинг моҳияти шундаки, маънавиятга, аждодлар меросига эътибор қаратмасдан, фақат иқтисодиётни ривожлантириш, давлатчиликни мустаҳкамлаш билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Одамга биринчи навбатда нима муҳим — моддий озуқами ё маънавий? Албатта, озиқ-овқат инсон учун тириклик манбаи, лекин Яссавий бобомиз таъбири билан айтганда, одам боласи фақат қорин ғами билан яшаса, унинг инсонлиги қаёқда қолади.

Бу муқаддас қадамжода туриб, Яратгандан аждодлар меросини асраб-авайлашимизни, чуқур ўзлаштиришимизни, кимларнинг авлоди эканлигимизни теран англаб, доимо боболаримизга муносиб бўлиб юришимизни сўрайман. Ўз илдизларини билган халқ асло завол кўрмайди, келажаги порлоқ бўлади.

Бу ерга келганлар шифтига "Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганлар хотираси мангу барҳаётдир" сўзлари битилган гумбаз тагида ноҳақ зулм чеккан ватандошларимиз ҳаққига дуо қилар экан, шундай ёруғ кунларга етказгани, ҳақиқат ва тарихий адолат тиклангани учун Тангрига шукроналар айтади.

(ЎзА)
Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Mustaqillik inshootlari

ЎЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ: МАЗМУН ВА ШАКЛ ҮЙҒУНЛИГИ

Шу кунларда юртимизда ўзгача руҳ, ўзгача кайфият ҳукмрон десак, янглишмаймиз. Зеро, бу ҳолат шу азиз тупроқда яшаётган, меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаронинг юзкўзида, қилаётган эзгу ишларида намоён. Бунинг барчаси муборак кун, улуғ айём, яъни давлатимиз мустақиллигининг қутлуғ 10 йиллик санасини муносиб кутиб олишга қаратилган бўлса, не ажаб!

Ушбу ишлар, айниқса, республикамиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, келажагимиз ворислари бўлган фарзандларимизга замон талаблари даражасида билим бериш мақсадида амалга оширилаётган жараёнларда яққол ўз аксини топмоқда десак, хато қилмаган бўламиз.

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримовнинг шахсан бошчилигида ишлаб чиқилган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"аввало, республикамизда таълим тизимининг узлуксизлигини таъминлашга қаратилгандир. Буни рўёбга чиқариш эса ўз навбатида бир қанча омилларга, хусусан, ўқитувчилар ва мураббийларнинг касбий маҳоратига, таълим жараёнига янги, юқори самара берадиган педагогик технологияларни татбиқ этишга ва, албатта, ёшларимиз таълим-тарбия оладиган ўқув муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш, замон талабларига жавоб берадиган ўқув жиҳозлари ва техник воситалар билан етарли даражада таъминлаш, ёруғ, озода, барча қулайлик ва имкониятларга эга бўлган бутунлай янги андозадаги илм масканлари бунёд этишга ҳам бевосита боғлиқдир.

Ҳозирда республикамизнинг барча вилоятларида ўз меъморчилик услублари, қулайликлари билан барчани бирдек лол қолдираётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бинолари қаторида айни пайтда 9 йиллик умумтаълим мактаблари учун 200, 350, 420, 560, 700, 840 ўринли янги, замонавий биноларининг базавий лойиҳаси тайёрланмоқда.

Яқинда Наманган шаҳрида янги лойиҳа асосида ўзининг озода, ёруғ, барча қулайлик ва имкониятларга эгалиги билан ажралиб турадиган, таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, умумтаълим мактабларининг янги авлоди бўлган 1200 ўринли 50-мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Ушбу ишларнинг давоми сифатида куни кеча Тошкент вилоятининг Зангиота туманида юртимиз мустақиллигининг 10 йиллик тўйига муносиб совға — 320 ўринли таълим масканининг ҳамда Янгийўл туманида фойдаланишга топширилган 900 ўринли "Гулбаҳор" саноат касб-ҳунар коллежининг очилиш маросимлари ҳар иккала туман халқининг чин маънодаги байрамига айланиб кетди, десак муболаға бўлмайди.

Тақдимот маросимларида иштирок этган мутасаддилар, жамоатчилик вакиллари ушбу яратилган шарт-шароитлар ёшларимизга ўқиб-ўрганиш, ўз Ватани учун фидойи инсонлар бўлиб етишишидек масъулиятли вазифалар юклашларини таъкидлашди. Ўз ўрнида ёшлар ҳукуматимизнинг бундай ғамхўрликларидан мамнун эканликларини билдиришиб, Ватан олдидаги муқаддас бурчларини сидқидилдан бажаришга ваъда бердилар.

Нурлан УСМОНОВ,
Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Маърифат"
мухбирлари

Суратларда: янги таълим иншоотларининг очилиш маросимидаги лавҳалар.

Б.РИЗОҚУЛОВ,
Р.ГАЛИЕВ олган суратлар

МАМЛАКАТ ПАРЛАМЕНТИНИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ

Маълумингизким, жорий йил 29-30 август кунлари пойтахтимизда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов иштирок этди ва маъруза қилди.

Юртбошимиз ўз сўзларида бугунги кунда халқимиз эришган мустақилликнинг чуқур аҳамияти, мамлакатни демократия ва тараққиёт йўлидан мустақил ривожлантиришнинг ўтган 10 йил ичида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида содир этилган туб ўзгартишларнинг моҳиятини таъкидлаб, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини инсонпарварлик, адолат, ҳуқуқий фуқаролик жамияти принципларига мувофиқ равишда эркинлаштириш масаласига алоҳида тўхталди.

Олий Мажлис депутатлари мустақил Ўзбекистоннинг қарор топиши ва мустаҳкамланишида, мустақил ривожланишнинг ўтган йиллари мобайнида мамлакат эришган ютуқларда давлатимиз раҳбарининг улкан ролини алоҳида таъкидлаб, суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини либераллаштириш концепциясини қизғин қўллаб-қувватладилар. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузаси юзасидан қарор қабул қилди.

Шунингдек, парламент сессиясининг дастлабки кунида молия вазири М.Нурмуродовнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йил 1-ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги маърузаси тингланди. Мамлакатимиз асосий молия ҳужжатининг жорий йилнинг 1-ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги масала депутатлар томонидан муҳокама қилинди.

Парламент сессиясида "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ҳамда янги таҳрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонунларнинг лойиҳалари муҳокама этилиб, қабул қилинди. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Фуқаролик-процессуал кодексларини қайта нашр этиш бўйича комиссия тузди.

Сессияда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги, янги таҳрирда "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари тақдим этилди ва муҳокамадан сўнг ушбу қонунлар ва уларни амалга киритиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди.

Мамлакат парламенти сессиясининг иккинчи кунида "Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида", "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида", "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари депутатлар эътиборига тақдим этилиб, қизғин муҳокамалардан сўнг, ушбу қонунлар лойиҳалари тасдиқланди ва уларни амалга киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, сессияда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Олий Мажлис ГҲУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Конвенциясини, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон Республикалари ўртасида уч давлатнинг чегаралари туташган нуқтаси тўғрисидаги битимни, Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай Конвенциясини ратификация қилди, белгилар рўйхатга олинадиган халқаро товарлар ва хизматлар таснифи тўғрисидаги Ницца шартномаси, Халқаро патент таснифи тўғрисидаги Страсбург битими, Патент тартиботи мақсадлари учун микроорганизмларни тўплашни халқаро эътироф этиш тўғрисидаги Будапешт шартномаси, асосан сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойи сифатида халқаро аҳамиятга молик сув-ботқоқ майдонлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Парламент Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини тасдиқлади.

Олий Мажлис сессиясида Х.Шеримбетов Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раиси этиб тайинланди, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг айрим аъзолари бошқа ишга ўтиши муносабати билан вазифасидан озод қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритилди.

Мамлакатимиз парламенти Ўзбекистон Республика

Шу йилнинг 5-6 сентябрида Тошкент архитектура ва қурилиш институтида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни рўёбга чиқаришнинг 1-босқич якунлари ва иккинчи босқич вазифалари»га бағишланган республика илмий-амалий анжуманн бўлиб ўтади.

Ma'rifat

ИККИНЧИ БОСҚИЧ ВАЗИФАЛАРИ

ХУСУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ

САВОЛ: Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичи якунланди. Якунлар ҳақида таҳлиллар ўтказилди. Миллий дастурда таъкидланганидек, биринчи босқич якунлари иккинчи босқич вазифаларини белгилайди. Хўш, бу вазифалар нималардан иборат?

Саидаҳрор ҒУЛОМОВ, Олий ва ўрта махсус таълим вазири:

— Жаҳон тажрибасидан маълумки, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ҳар қайси давлатда ўзининг катта самараларини берган. Дунё харитасида пайдо бўлган янги давлат — Ўзбекистон тараққиётини ҳам кадрлар соҳасида олиб борилаётган оқилона сиёсат белгилайди. 2000 йилнинг декабрь ойида ЮНЕСКО Халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган конференцияда ҳам таъкидланди: Ўзбекистон ўз келажагига жиддий сармоя тайёрламоқда ва жаҳон таълим ҳамжамиятига интеграциялашмоқда.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг илк босқичида бажарилиши керак бўлган вазифалар қанчалик серқирра ва мураккаб туюлмасин, бугунги кунда таълим тизимида ижобий томонга ўзгаришлар рўй бермоқда. Олий таълим тизимининг бакалавриат босқичи 139 таълим йўналиши, магистратура босқичи 500 га яқин мутахассислик бўйича ташкил этилмоқда. Ўтган қисқа давр ичида бакалавр ва илк магистрлар битириб чиқиб, ўз ихтисосликлари бўйича иш жойларига эга бўлишди.

Хўш, узоқ муддатлик миллий дастурнинг иккинчи босқичи вазифалари 2001-2005 йилларда олий ва ўрта махсус таълим тизимида қандай намоён бўлиши керак? Бу савол барчамизни қизиқтириши табиий. Биз миллий дастурнинг тўлиқ юзага чиқиши учун пойдеворни, асосан яратдик. Галдаги вазифалар яна ҳам мураккаб, буни ҳис қиламиз.

Аввало, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилиши лозим.

Узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш лозим. Мутахассисларни яна ҳам етук қилиб тайёрлаш учун ишлаб чиқариш муассасалари билан аниқ йўналишдаги ҳамкорликни пухта ташкил қилиш лозим. Таълимнинг барча турлари — ўрта махсус, касб-ҳунар, олий ва олий ўқув юртидан кейинги босқичларда йўналиш ва мутахассисликларнинг ягона классификаторини жорий қилишга эришиш керак. Олий ва ўрта махсус таълим тизимини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашни жадаллаштириш мақсадида вазирлик қошида — "Таълим" нашриётини очиш-дир. Кадрлар тайёрлашнинг бир-бирига узвий боғлиқ ҳалқаси — "Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари+ бакалавриат+магистратура+аспирантура"ни вужудга келтириш ва мувофиқлаштириш ҳақида ўйлаб кўрилиши лозим.

Бизнинг яна бир таянчимиз "Умид" совриндорлари эканини унутмайлик. Ҳозирга қадар жами 350 дан ортиқ йигит-қизлар АҚШ, Англия, Канада, Япония, Италия, Германия каби ривожланган давлатларда таҳсил олиб қайтишди. Уларнинг билими, малакаси, салоҳиятидан ўз ўрнида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Илмий тадқиқот ишларининг мақсад ва қўлами шахслар турмуш тарзи юксалиши ва бир қадар енгиллашишига қаратилган бўлиши керак. Тадқиқотчига бу борада кутубхоналар манба беради. Бинобарин, кутубхоналар "Интернет" тармоғига бевосита уланган бўлиши ва тадқиқотчига ўз йўналишида ҳамкорлар топишга кўмаклашиши керак. Бунда илмий тадқиқот ишларини халқаро миқёсда молиялаштириш имкониятлари пайдо бўлади.

Рисбой ЖЎРАЕВ, Халқ таълими вазири:

— Ҳозирги замонда ўрганиладиган билимлар миқдори шунчалик кўпки, уларни дарсликка ҳам сиғдириб бўлмайди, ўқитувчи ҳам дарс жараёнида бевосита тушунтириб бера олмайди. Шу сабабли ўқувчиларни мустақил билим олишга, ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга, фикрларини эркин баён этишга, мустақил равишда хулосалар чиқаришга ўргатадиган янгича педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий этиш зарурияти туғилди.

Янги педагогик технологияда "Ўқитувчи-таълим-ўқувчи" тамойилига асосланиб, унда ўқувчи субъектга, яъни таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади. Янги педагогик технология туфайли мустақил изланишга, мушоҳада юритишга ундалади. Бунда ўқув дастури ва дарслик таълимий жараённинг муҳим воситаси, ўқитувчи эса мазкур жараённи ҳаракатлантирувчи, бошқарувчи субъект сифатида намоён бўлади.

Инчунун, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларида белгиланган меъёрлар барча ўқувчилар томонидан тўла-тўкис ўзлаштирилиши учун педагогик технологияларни мунтазам излаш, янгиларини яратиш ва амалиётга жорий этиш лозим. Бинобарин, Миллий дастурнинг иккинчи босқичида илғор педагогик технологияларни излаш, танлаш ва ҳаётга жорий этиш масалаларини жадаллаштириш зарур бўлади.

Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида қилинган ишларнинг сарҳисобидан келиб чиқиб, иккинчи босқичда амалга оширилиши зарур бўлган энг муҳим вазифалар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, мактабдаги барча ўқув фанлари бўйича дарсликларнинг янги авлодини яратиш, экспертизадан ўтказиш, нашр этиш, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш зарур.

Иккинчидан, ДТС ижросини таъминлайдиган, мустақил фикрлашга ва ўз устида ишлашга ўргатадиган замонавий, илғор педагогик технологияларни излаш, танлаш, янгиларини яратиш ва таълим жараёнига олиб кириш лозим.

Учинчидан, ДТСлари асосида ўқув фанларидан амалий машғулотларни ўтказиш учун техник воситалар, асбоблар, кўргазмали қуроллар ва бошқа ўқув жиҳозлари яратиш ҳақида ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласи ҳал этилмоғи даркор,

Тўртинчидан, касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Ташхис марказлари фаолиятларини кўриб чиқиш ва йўлга қўйиш, касб-ҳунарга йўналтиришнинг такомиллашган тизимини шакллантириш зарур.

Бешинчидан, педагогика соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари суръати, қўлами ва салоҳиятини ошириш, илмий изланишларни таълим-тарбия самарадорлиги учун хизмат қилишга йўналтириш зарур.

Олтинчидан, таълим жараёнининг бошқарувчиси бўлган ўқитувчиларни ДТС ва замон талаблари асосида қайта тайёрлаш ва малакасини такомиллаштириш мақсадида малака ошириш тизимини тубдан янгилаш устувор вазифалардандир.

Жуманазар ҲУСАНОВ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбари:

— Истиқлол қўлга киритилгач, республикамизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг ўзига хос йўли танланиши жамиятимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишни зарур қилиб қўйди. Ислоҳотларнинг тақдири ва самараси, ватанимиз равнақи эса асосан кадрларнинг савияси ва малакасига, уларнинг ижодкорлиги, ташаббускорлиги ва тадбиркорлигига боғлиқ.

Шу сабабли ҳам муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратдилар ва ушбу тизимни замон талаблари даражасида қайта ташкил этиш борасида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Натижада, Ўзбекистоннинг ўзига хос таълим тизимини жаҳон андозалари талаблари даражасида ривожлантириш бўйича янгича тамойилларни белгилаб берган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинди.

Миллий дастурни ҳаётга жорий этишнинг биринчи босқичи (1997-2001йиллар) да Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан янги турдаги уч йиллик таълим муассасаларини ташкил этиш, таълим тизимини тубдан янгилаш, давлат таълим стандартларини, уларга мос ўқув режалари ва дастурлар яратиш ҳамда жорий этиш, замонавий ахборот ва илғор педагогик технологиялардан ўқув жараёнида фойдаланиш, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника негизини яратиш ҳамда халқаро алоқаларни ривожлантириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Бажарилган ишлар таҳлили натижаларига кўра, қуйидаги масалалар иккинчи босқичда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар деб белгиланди:

— ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмуни сифатини замон талаблари даражасига кўтаришга эришиш;

— касб-ҳунар коллежларининг тайёрлов йўналишлари бўйича яратилган тажрибавий тармоқ таълим стандартларини, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш;

— барча таълим йўналишлари учун сифатли ўқув адабиётларини яратиш;

— таълим жараёни самарадорлигини ошириш имконини берадиган ноанъанавий педагогик технологиялар ва таълимнинг янги услубларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

— иқтидорли болалар ва истеъдодли ўқувчи-ёшларнинг қобилиятларини ўстириш мақсадида уларни ўқитиш учун махсус ўқув дастурлари ва илғор педагогик технологиялар ишлаб чиқиш. Шунингдек, уларнинг барча фанлар бўйича жаҳон олимпиадаларида ва турли халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашишларига эришиш;

— фан ва таълим жараёни алоқаларини, ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш. Бунда касб-ҳунар коллежларининг республикамизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар билан ҳамкорлигини такомиллаштириш;

— ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида фаолият кўрсатаётган барча педагог ва муҳандис-педагогларнинг компьютер саводхонлигини таъминлаш;

— соҳани ислоҳ қилишнинг мониторинг тизимини ривожлантириш;

— Фанлар Академиясининг барча илмий-текшириш институтлари билан ҳамкорлик ўрнатиш;

— янги типдаги ўқув муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини белгиланган муддатларда сифатли якунлаш;

— ўқув муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш ҳамда барча ўқув муассасаларининг "Интернет" тармоғига уланишини таъминлаш;

— тизимга чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларини кучайтириш. Бунда, асосан имтиёзли ва узоқ муддатли кредитлар ҳамда грантлар олиш бўйича иш олиб борилади.

САВОЛ: Таълим мазмуни ҳақида гап кетганда, албатта, давлат таълим стандартлари, улар асосида яратилган дастур ва режалар қаторида дарсликлар, янги педагогик технологиялар назарда тутилади. ДТС ва дастурлар биринчи босқичда яратилди. Хўш, ўқувчи талабаларни ана шу стандартлар асосида яратилган дарсликлар билан таъминлаш масаласи иккинчи босқич вазифаларида ўз аксини топганми? Уларни қай усулда бажариш назарда тутилмоқда?

С.ҒУЛОМОВ:

— Таълим тизимидаги догматик, яъни қотиб қолган усуллар бугунги кун талабларига анча зиддир. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Албатта, дарслик ва ўқув қўлланмалари таълим жараёнининг ажралмас қисмидир. Олий таълим тизимини етарли даражадаги ўқув манбалари билан таъминлаш борасида тузилган шартномалар 1586 та бўлиб, шундан 466 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш вазифаси 2002-2004 йилларга мўлжалланган. Шуниси муҳимки, талаба-ёшларга олий таълим фанлари учун дарсликлар яратишда давлат таълим стандартлари талаблари биринчи даражага қўйилмоқда.

Марказий нашриётларга 113 та қўлёзмалар топширилган. 29 номдаги турли дарслик ва қўлланмалар нашр этилиб, талабаларга етказилаяпти.

Тошкент Молия институтида 86 та, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида 216 та, СамДЧТИда 80 та фандан дарсликларнинг электрон дискетадаги шакллари ишлаб чиқилди ва талабаларга тарқатилди. Ушбу тажриба вазирлик ҳайъати томонидан маъқулланиб, барча олий таълим муассасаларига кенг ёйилиши таъкидланди.

Булардан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизимини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги 1998 йил 5 январь қарори ижросини таъминлаш мақсадида Россиядан 214 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмалари келтирилди. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" курси бўйича маъруза матнлари тайёрланди. "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" деб номланган янги курс учун манбалар яратиш устида иш олиб борилаяпти.

Албатта, дарслик яратиш, ўқув қўлланмаси ёзиш осон иш эмас. Вазирлик муаллифлар билан шартнома тузади, талаблар қўяди, унинг ижросини назорат қилади. Буларнинг барчаси муаллифлар томонидан бекаму-кўст бажарилгандагина, дарслик босишга рухсат этилади.

"Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув қўлланмаси муаллифлари" танлови натижалари ҳар йили эълон қилиб бориляпти.

Умуман, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш иккинчи босқичдаги аҳамиятга молик масаладир. Бу соҳадаги камчилик ва нуқсонларни бартараф эта бориб, кўзланган мақсадга эришсак, ўйлайманки, талаба-ёшларнинг диди, эҳтиёжи тўла қондирилади.

Р. ЖЎРАЕВ:

— Таълим мазмунини стандарт ва ўқув дастурларидан кейин, албатта, уларга асосланиб яратиладиган дарслик ва қўлланмаларсиз тасаввур қилиш қийин. Бундан тўрт йил бурун Президентимиз томонидан дарслик ҳақида айтилган фикр барчанинг ёдида:

Тўрт йил ичида дарслик мазмуни яхши томонга ўзгарди. Лекин дарсликларни мазмун жиҳатидан ҳам, полиграфик жиҳатидан ҳам такомиллаштириш юзасидан амалга ошириладиган ишлар ҳали талайгина. Бу борада муаллифларга зарурий шароитлар яратиб берилмоқда. Дарслик ёзишда ўзига хос рақобат муҳитини вужудга келтириш устида ишлар олиб борилмоқда. Рақобат эса тараққиёт омилидир.

Ота-оналарни, айниқса, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Республикадаги барча мактабларнинг 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаблар ўқувчилари дарсликлар билан бепул таъминланмоқда. Ушбу мақсадлар учун ҳукумат бюджетидан 2001 йилнинг ўзида 1 миллиард 600 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Мактабларнинг 2-синфидан бошлаб эса дарсликлар сотуви ташкил этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Она ва бола" давлат дастурида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ўқувчиларни пулли — қайтариб бериладиган дарсликлар билан таъминлаш тизимини, яъни ижара тизимини жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб ташкил этиш белгиланган.

Халқ таълими вазирлиги томонидан Осиё Ривожланиш Банки Лойиҳаси доирасида Британия Кенгаши билан ҳамкорликда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими ишлаб чиқилди. Мазкур ижара тизими 2001-2002 ўқув йили давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан туманида, яъни 14 та тумандаги мактабларда тажриба-синовдан ўтказилади.

Дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимининг афзалликлари нималардан иборат?

Биринчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида оилалар, айниқса, кам таъминланган оилалар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланади. Яъни мазкур тизимга ўтилгач дарсликларни нархинг тўртдан бир қисмига ижарага олиш имкони туғилади.

Иккинчидан, дарсликларни бозордан ҳаммасини топиш қийин, ижара тизимида эса дарсликлар мактаб томонидан берилади.

Учинчидан, синфдаги ўқувчиларнинг барчасини тўлиқ дарсликлар билан таъминлаш имкони яратилади.

Тўртинчидан, ўқувчиларни тежамкорликка, орасталикка ўргатади.

Бешинчидан, ижарага бериладиган дарсликлар полиграфик жиҳатдан юқори сифатли ва пухта бўлиб, улардан энг камида 4 йил давомида фойдаланиш мумкин.

Олтинчидан, ижара тизимига ўтилса, мактаб кутубхона жамғармаси шакллантирилади ва бойитиб борилади.

Дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими бўйича тажриба-синов ишлари муваффақиятли якунланса, 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб бошқа мактабларга ҳам татбиқ этиш кўзда тутилган.

Мукаммал дарсликлар яратиш бўйича ҳам, ўқувчиларни дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш бўйича ҳам қилинадиган ишлар жуда кўп. Бу борада халқаро майдондаги тажрибалар, ҳамкорликлар кўл келади. Шу йўналишда Халқ таълими вазирлиги Осиё Ривожланиш Банки (ОРБ) ҳамкорлигида "Умумий ўрта таълим мактаблари учун дарслик ва ўқув қўлланмаларни нашр қилиш тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси бўйича иш олиб бормоқда. Унга кўра мактаб ўқувчилари учун дарсликлар, бадиий адабиётлар, ўқитувчилар учун услубий қўлланмалар, кўргазмали қуролларни яратиш ва нашр қилиш режаштирилган.

Ж.ҲУСАНОВ:

— 1998 йилдан бошлаб ҳозирга қадар, давлат таълим стандартларининг илмий асослари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари битирувчиларига қўйиладиган талаблар, 20 та умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари, академик лицейларнинг тўртта йўналиши бўйича таълим стандарти ва касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлаш бўйича 236 та тармоқ стандартлари ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги 400-сонли қарори билан ЎМКҲТ давлат таълим стандартлари ва умумтаълим фанлари давлат таълим стандартлари тасдиқланди.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда академик лицейларнинг тўртта йўналиши бўйича 10 та, касб-ҳунар коллежлари учун 236 та тажрибавий ўқув режалари ишлаб чиқилди. Ушбу ўқув режалари асосида академик лицейлар учун 20 та умумтаълим фанлари, 70 та чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича ҳамда касб-ҳунар коллежлари учун 3 мингга яқин умумкасбий ва махсус фанлар бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва айни пайтда 76 та тажриба-синов майдончаларида синалмоқда.

Давлат таълим стандартларини жорий этиш билан биргаликда, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанлар бўйича 2035 номдаги дарсликлар яратилиши керак.

Бугунги кунда 230 нафар муаллифлар билан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш тўғрисида шартномалар имзоланди. Давлат таълим стандартларига мос, ўқув режалари ва дастурлар асосида яратилган 44 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмалар нашрдан чиқариш учун берилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасаларига жами 175 номдаги 268023 нусхадаги қўлланмалар тарқатилди.

Ўқув муассасаларида таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳлар ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш ҳамда ўзбек тилига таржима қилиш учун Россия Федерациясидан 41 номдаги 46358 нусхадаги ўқув адабиётлари келтирилди ва жойларга етказиб берилди. Шунингдек, яна 164 номдаги ўқув адабиётларини олиб келиш учун шартнома имзоланди.

Ҳозирги кунда ўқув муассасаларида, янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратилгунга қадар кутубхоналарда мавжуд, мазмунан экспертизадан ўтказилган ўқув адабиётлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тавсияси билан 10 дан ортиқ ижтимоий-гуманитар фанлар яъни, ҳуқуқшунослик, аҳлоқшунослик, фалсафа, иқтисодиёт назарияси, маданиятшунослик, педагогика, Ўзбекистон тарихи, политология, диншунослик, социология ва психология фанлари бўйича нашрдан чиқарилган маъруза матнлари қўлланилмоқда.

Айни пайтда ТошДТУнинг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан касб-ҳунар коллежлари учун 12 та мутахассислик фанлари бўйича тайёрланган маъруза матнлари чоп этилмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар Таснифлагичига асосан кейинги йилларда яна 55 та тайёрлов йўналиши бўйича тармоқ таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилади ҳамда амалдагилари такомиллаштирилади.

Барча таълим йўналишлари учун янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилади. Бунда муқобиллик тамойилларига риоя қилиш ва республикамиздаги илмий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш назарда тутилган яъни, ушбу масалани ҳал этишга Фанлар Академияси тасарруфидаги илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари ва олий ўқув муассасаларининг малакали профессор-ўқитувчилари жалб этилади.

САВОЛ: Билим бериш, ўқишга ўргатиш, йўл кўрсатиш борасида ўқитувчининг ўрни беқиёс. Президентимиз 1997 йил август ойидаги Олий Мажлис сессиясида таълим берувчиларнинг ўзи таълим олишга муҳтож эканлигини танқид остига олган эдилар. Ўқитувчиларнинг савиясини кўтариш борасида нима ишлар қилинди ва иккинчи босқич вазифалари нималардан иборат?

С.ҒУЛОМОВ:

— Ўқитувчининг билими, дунёқараши, савияси ҳеч бўлмаганда замон билан қадамба-қадам бўлиши керак. Биз янги педагогик технологиялар ҳақида кўп гапирамиз. Аслида унинг ижрочиси ҳам ўз устида доимий изланадиган, янгилик ва аниқликни яхши кўрадиган, ўқувчи ёки талабани дарсга жалб қилишнинг ўзига хос усул ва шаклларини ўйлаб топадиган устозлардир.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўз тасарруфидаги муассасалар профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор бермоқда. Ҳозирги кунда вазирлик томонидан малака оширишнинг таълим тизимида алоҳида босқич эканлиги таъкидланган ҳолда зарурий ҳужжатлар яъни ҳар бир педагогнинг, раҳбарнинг, ходимнинг, иқтисодиёт соҳаси мутахассисларининг 1999-2005 йилгача қачон, қаерда, қанча муддатда малака ошириш режаси ишлаб чиқилди ва 1999 йилнинг сентябридан амалиётга киритилди. Ўтган қисқа фурсатда қарийб 7,5 минг нафар олий ўқув юртлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари, мутасадди ходимлари ўз малакаларини оширишди. Бу рақам 2001 йилнинг биринчи чорагида 979 ва 1325 кишига кўпайди. Малака ошириш ишлари вазирлик томонидан ташкил қилинган ва фаолияти қайта мослаштирилган 4 институт, 13 марказ ва 16 та факультетда олиб борилади.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимидаги муаммолар миллий дастур иккинчи босқичида ўз ечимини топиши керак, деб ўйлайман. Биринчидан, малака ошириш марказлари, факультетлари, шунингдек, педагог ходимлар малакасини ошириш вилоят институтлари бирлаштирилиши керак. Иккинчидан, Республика миқёсида малака ошириш ва қайта тайёрлаш академияси ташкил қилиниб, уни энг замонавий ахборот технологиялари билан таъминлашга эришиш лозим. Қолаверса, академия ихтиёрига йил давомида чет эл мутахассисларини маърузалар билан жалб этишга, илмий-амалий анжуманлар, семинарлар ташкил қилишга, илмий тадқиқот ишлари олиб боришга, профессор-ўқитувчиларнинг чет эл стажировкаларида бўлишларига, янги зарурий адабиётлар сотиб олишларига маблағ ажратилишини йўлга қўйиш керак.

Р. ЖЎРАЕВ:

— "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" тўғрисидаги қонунлар ўқитувчилар савиясини кўтаришга катта талаблар қўяди. Бу масала асосан педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб, вазирлик тасарруфидаги педагоглар малакасини ошириш институтлари ҳақидаги Низом қайта ишлаб чиқилди ва барча институтлар янги таркибий тузилмага ўтказилди. Институт раҳбарлари асосан илмий даражага эга, педагог олимлар билан мустаҳкамланди. Ҳозирги кунда институтларнинг асосий фаолияти педагоглар билим савиясини замон кун талаблари даражасига кўтариш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қаратилди.

Шу билан бирга 2001 йилда умумий ўрта таълим мактаблари ўқув режаларига киритилган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курслари каби янги фанлар бўйича ўқитувчилар ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари қайта тайёргарликдан ўтказилди.

Бугунги кундаги яна бир долзарб масала умумий ўрта таълим мактабларида дарс бераётган ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларнинг олий маълумотга эга бўлишидир. Бу ҳақдаги вазирлик таклифи Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланди ва хабарингиз бор, 2001 йил олий ўқув юртларига қабул учун грант асосида 1000 га яқин ўрин ажратилди ва талабалар қабул қилинди.

Ж.ХУСАНОВ:

— Ҳақиқатдан ҳам тўғри, ўқув муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифати кўп жиҳатдан педагог кадрларнинг билим савияси ва малакаси ҳамда уларнинг жонкуярлигига боғлиқ. Шу боисдан ҳам "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, яъни уларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштириш масаласига алоҳида аҳамият берилган. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ва 1999-2005 йилларга мўлжалланган истиқбол режалар ишлаб чиқилди. Мазкур истиқбол режасига биноан тизимдаги раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтида, педагог ва муҳандис-педагоглар эса, таянч олий ўқув юртлари: Тошкент Давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ва Наманган муҳандислик-педагогика институтида ҳамда касб-ҳунар коллежларининг соҳа йўналишлари бўйича бошқа олий ўқув юртлари негизида ташкил этилган малака ошириш муассасаларида амалга оширилмоқда. Лекин, афсуски мазкур малака ошириш муассасаларининг мавжуд моддий-техника базаси ва ўқитувчиларининг салоҳияти бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермайди.

1998-2001 йиллар мобайнида таянч ўқув муассасаларида ва олий ўқув юртлари қошида янгидан ташкил этилган 39 та махсус марказларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг қарийб 20 мингга яқин педагог кадрлари малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан ўтдилар. Шунингдек, АҚШ, Германия, Голландия, Франция, Япония ва Корея каби ривожланган мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари ва малака ошириш марказларида 394 нафар раҳбар, педагог ва муҳандис-педагог кадрлар малака ошириб қайтдилар.

Тизимдаги раҳбар ва педагог кадрларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш ва улар сафини илмий-услубий салоҳиятга эга бўлган ходимлар билан тўлдириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2001йилда ўқув муассасаларидаги раҳбар лавозимларга 8 нафар фан докторлари ва 40 тага яқин фан номзодлари тайинланди. Айни пайтда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида 620 нафардан ортиқ фан докторлари ва номзодлари доимий ишламоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида республикамизда педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш механизмини ривожлантириш, чет эл инвестициялари ҳисобидан малакали хорижий экспертларни жалб этган ҳолда малака ошириш курсларини ташкил этиш ҳамда педагог кадрларнинг жаҳоннинг ривожланган давлатларидаги етакчи институтлар ва тренинг марказларда малака оширишларини таъминлаш режалаштирилган. Менинг фикримча, касбий таянч фанлари ўқитувчилари ҳамда муҳандис-педагогларнинг малакасини ошириш курсларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва илғор технологиялар асосида фаолият кўрсатаётган турли маҳаллий ва қўшма корхоналар, ташкилотлар, завод ва фабрикаларда ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

САВОЛ: Таълим муассасасининг моддий базасини яхшиламасдан туриб, мақсадга эришиш қийин. Янги қурилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга ҳатто чет элликлар ҳам ҳавас қилишяпти. Таълим муассасаларининг моддий базасини яхшилаш борасида қандай ишлар амалга оширилади?

С.ҒУЛОМОВ:

— "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да кўзда тутилган вазифаларни бажариш таълимнинг моддий-техника базаси билан чамбарчас боғлиқ. Бунга аксарият ҳолларда бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топиш орқали эришиляпти. Кейинги йиллар ичида "Олий таълим" ишлаб чиқариш бирлашмаси ўқув юртларига жами 180 млн. сўмлик илмий ва ўқув жиҳозлари етказиб берди. 2000 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 122,5 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, ўсиш сурати 146,9 фоизга ошди. "ЎзРосВУЗ" қўшма корхонаси томонидан қиймати 28,5 млн. сўм бўлган ўқув жиҳозлари ишлаб чиқарилди ва сотилди.

Дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, компьютер ва ахборот технологияларисиз таълим тараққиётига эришиш қийин. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг компьютер ва ахборот технологияларига бўлган эҳтиёжи бир йилда 135-152 минг донани ташкил этади. Албатта, биз мумкин қадар ўз муассасаларимизни янги технологиялар билан таъминлашимиз керак. Бунинг учун нафақат тадбиркорлик ва маркетингни ривожлантириш, балки чет эл инвестицияларини ҳам жалб этишга эришишимиз лозим. Шу ўринда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини янги, замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун Япония ҳукуматининг 4,5 млн. долларлик гранти ажратилганлигини қувонч билан таъкидламоқчиман.

Капитал қурилиш ишларига ажратилаётган маблағлар ҳам ўз маромида ўзлаштириляпти. 2001 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, олий таълим муассасаларида 355 млн. 849 минг сўмлик капитал қурилиш ишларини бажариш кўзда тутилмоқда. Ўтган йилги кўрсаткич билан солиштирилганда, бу рақам 89 млн. 39 минг сўмга тенг эди.

Истиқболдаги режаларимизда ҳам иқтисодиётни, тадбиркорликни ва маркетингни ривожлантиришга доир ҳукумат қарорларига таяниб, бунинг орқасидан олий ва ўрта махсус ўқув юртлари моддий техника базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратилади.

Р. ЖЎРАЕВ:

— Молия вазирлиги билан 2001-2005 йилларда республика бўйича капитал таъмирлашга муҳтож бўлган 3450 та умумий ўрта таълим мактабларини таъмирлашдан чиқариш, шу йиллар мобайнида мактаблардаги мавжуд, ҳозирги замон талабларига жавоб бермайдиган 239489 тўплам ўқув парталари, 26872 дона синф доскалари ва стол, стул, китоб ва кийим жавонлари каби мебелларни алмаштириш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур бўйича зарур бўлган маблағларни Молия вазирлиги йилма-йил ажратиб берилишини режалаштирмоқда.

Жойларда 2001-2005 йилларда умумий ўрта таълим мактаблари моддий-техника базасини ривожлантириш, авария ҳолатидаги мактаблар ўрнига янги бинолар қуриш, ичимлик суви билан таъминлаш, газлаштириш, телефон алоқасини ўрнатиш каби масалаларни ўз ичига олган дастур ишлаб чиқилиб, вилоят ҳокимлари қарорлари билан тасдиқланмоқда (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари).

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган вазифалар асосида умумий ўрта таълим мактаблари 9 йиллик таълимга ўтказилиши муносабати билан 9 йиллик мактаблар учун янги бинолар қуриш бўйича намунавий лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаш учун таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идораларга муҳокама учун юборилди.

Таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Осиё Ривожланиш Банки билан биргаликда чет эл инвестицияларини жалб этиш мақсадида тегишли музокаралар олиб борилмоқда.

Ж.ХУСАНОВ:

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ

Маълумки, ҳар йили республикамизда мустақил юртимизнинг иқтидорли ўқувчиларини аниқлаш мақсадида барча фанлардан олимпиадалар ўтказилади. Бугунги кунда босқичма-босқич ўтиладиган бозор иқтисодиётига асосланган, ҳуқуқий-демократик, фуқаролик жамияти қуриш йўлидан илдам одимлаётган юртимизнинг ўқувчилари халқаро олимпиадаларда ҳам иштирок этишмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида республикамизнинг умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг мазкур олимпиадаларда иштироки сермаҳсул бўлди. Ўқувчилар бундай олимпиадаларга 1991 йилдан бошлаб қатнашаётган бўлсалар, фахрли ўринларни қўлга киритиш 1995 йилдан бошланди. 1995 йилда физика ва математика фанидан 7 нафар ўқувчи қатнашиб, жамоа ҳисобида иккинчи ўринни қўлга киритганлар. 1996 йилда мазкур фанлардан 14 нафар ўқувчи қатнашган бўлса, шулардан 2 нафари кумуш, 7 нафари бронза медалларига сазовор бўлганлар. 1997-1998 йилларда эса фанлар ҳисобида ҳам, ўқувчиларнинг иштирокига кўра ҳам бу кўрсаткич бирмунча юқори. 1991 йилдан 1996 йилга қадар ўқувчилар фақат физика ва математика фанларидан иштирок этган бўлсалар, 1997-1998 йилларда юқоридаги фанлар билан бир қаторда биология, кимё, экология фанларидан ҳам иштирок этдилар. 1997-1998 йилларда ўтказилган халқаро олимпиадада иштирок этган 22 нафар ўқувчилар 6 та олтин, 2 та кумуш, 9 та бронза медалини қўлга киритдилар, қолган 5 нафар ўқувчилар эса жамоа ҳисобида 3 ўринни эгаллаган. 1999-2000 йилларда 2 та олтин, 3 та кумуш, 5 та бронза медалини, қолган ўқувчилар эса рағбатлантирувчи дипломларга сазовор бўлдилар. Жорий йилнинг 1-14 июль кунлари АҚШнинг Вашингтон шаҳридаги Жорж Мейсон номидаги университетда ўтказилган ёш математикларнинг 42-халқаро олимпиадасида мустақил юртимиздан 6 нафар, шунингдек, дунёнинг ривожланган бошқа мамлакатларида ўтказилган рус тили ва кимё фанларидан 7 нафар иқтидорли ўқувчилар қатнашдилар. 83 мамлакат вакиллари баҳс юритган ёш математиклар олимпиадасида Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 1-ихтисослашган мактаб битирувчиси Умиджон Ражабов, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб битирувчиси Умиджон Раҳмонов, шу мактабнинг яна бир битирувчиси Зулфиддин Камоловлар ғолиб чиқишиб, кумуш ва бронза медаллари совриндорлари бўлдилар.

Энг эътиборлиси шундаки, рус тили фанидан бўлиб ўтган халқаро олимпиадада 5 нафар ўқувчилар 4 та олтин ва 1 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Юқорида келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда 10 йил давомида олиб борилган ислоҳотлар барча соҳаларда ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА

ВАЪДАГА ВАФО

ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИАТИ НОМЗОДЛИК ИШИНИ МУДДАТИДАН АВВАЛ ЁҚЛАДИ

Сиз Шаҳлохонни эслайсиз, азиз муштарий. У билан газетамизда суҳбат қургандик. Ўшанда унга "II ТошМИнинг биринчи талабаси, ҳозир аспирант - Президент стипендиати" дея таъриф бергандик. Бу таърифга бугун тиббиёт фанлари номзоди деган номни ҳам қўшсак бўлаверади. У ўшанда 2001 йилнинг биринчи ярмида номзодлик ишимни ёқлайман деганди. "Ваъдага вафо" деганларидек, 28 июнь куни номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади, қолаверса Президент стипендияси соҳиби эканлигини яна бир бор оқлади. Мухбиримиз ҳам у билан учрашиб, суҳбатлашди.

- Аввало, номзодлик ишингизни муваффақиятли ёқлаганингиз билан табриклаймиз?

- Раҳмат, лекин бу биргина тадқиқотчининг эмас, балки илмий раҳбарлар, устозлар, ҳамкасблар, қолаверса, оиламизнинг биргаликдаги ишидир.

- Номзодлик ишингиз билан қандай илмий янгилик яратдингиз?

- Ёдингизда бўлса, илмий ишим "Синуитларда микрогемоциркуляция бузилишининг ёшга кўра ўзига хос хусусиятлари ва уларни даволаш усуллари" деб номланарди. Синуитлар - бу бурун ёндош бўшлиқларининг шамоллаши бўлиб (йирингли ва йирингсиз), биз бу касалликларда майда қон томирларида қон айланишини ва қоннинг реологик хусусиятларига асосланиб, организмнинг заҳарланиш даражасини аниқладик ва буларнинг ёшга қай даражада боғлиқлигини ўргандик ва албатта, даволаш усулларини такомиллаштирдик.

- Хўш, илмий ишингизни қандай қилиб амалиётга жорий қилиш мумкин? Бизда бунинг учун тиббий асбоб-ускуналар ва табиийки, дори-дармонлар етарлими?

- Мазкур илмий иш II ТошДавМИ илмий лобараториясида тажрибадан ўтди. Умуман олганда шифохоналар, поликлиникалар, хусусий даволаш муассасаларида қўллаш мумкин.

Қарийб барча текширувларни ҳар қандай клиник ва биокимёвий лабораторияларда ўтказса бўлади. Масала шундаки, кўз олмасининг микроциркуляциясини ўрганиш ва унинг сифатли ҳамда миқдорий таҳлилларини аниқловчи аппарат ҳозирча фақат институтимизнинг марказий илмий тадқиқот лабораториясида мавжуд. Мазкур янгиликнинг фақаттина II ТошДавМИда амалга оширилишини профессор Ҳ.Ё.Каримов бошчилигидаги Патофизиология кафедраси томонидан Санкт-Петербург илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида ишлаб чиқилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ишлатилган дори - дипиридамол терапевтик клиникаларда жуда кенг ишлатилади, лекин синиутларда лимфотроп усули билан юборишни биринчи маротаба амалга оширдик. Бу усул анъанавий усулга қараганда тезроқ таъсир қилади, бемор тез тузаладди. Бугунги кунда бу методика бошқа клиникаларда ҳам ишлатилмоқда.

- Айни пайтда нима ишлар билан машғулсиз, келгусидаги режаларингиз?

- Айни пайтда янги ўқув йилига тайёргарлик кўраяпман. Келажакда оториноларингология фанидан талабаларга дарс ўтиш ниятидаман. Жамиятдаги ислоҳотлар соғлиқни сақлаш тизимида ҳам акс этади. Улардан бири хусусий даволаш муассасаларининг яратилишидир. Шу муносабат билан, аҳолининг тиббий эҳтиёжини қондириш мақсадида юқори стандартларга мос келадиган тиббий хизматларни кўпайтиришга, кенгайтиришга ҳаракат қиляпман. Бу ишларни Юнусобод туманида очилган "Нуршах" хусусий поликлиникасида амалга ошираяпмиз. Мақсад аниқ - ҳар қандай касалликнинг олдини олиш, тўғри, ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволаш. Одатда, бизнинг халқимиз, сиҳат-саломатлик ҳақида касал бўлганидан кейин шифокорга мурожаат қилади. Ваҳоланки, соғлик ҳақида касалланмасдан олдин ўйлаш, яъни касалликнинг олдини олиш керак, яъни халқимизнинг тиббий маърифатини ошириш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида бу тадбир анча арзонга тушади, чунки дори-дармонлар, касалхонада даволаниш анчагина сарф-харажатларни талаб қилади. Келгусидаги режаларимга келсак, оториноларингология соҳасида илмий изланишларимни давом эттириб, хориждаги етакчи тиббий муассасалардаги ютуқ ва тажрибаларни ўрганиб, улар билан биргаликда илмий изланишлар олиб бормоқчиман. Озгина бўлса-да, халқимизнинг соғлигини сақлаш йўлида ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман.

- Ниятингизга етинг.

Ҳ.АБДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

МУСТАҚИЛ ЮРТНИНГ ИЛК МАГИСТРЛАРИ

Илм-фан ривожланса, жамият тараққиётга юз тутади, турмуш фаровонлашади. Таълим соҳасидаги ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошираётган Ўзбекистон тажрибаси дунё миқёсида тан олиняпти. Узлуксиз таълим тизимидаги магистратура босқичи талабалари бу йил илк бор магистрлик дипломи ва нишонига эга бўлишди. Салкам 1900 нафар йигит-қизлар бу босқичда эгаллаган билимларини мустақил юрт ривожига сарфлашга киришдилар. Қуйида уларнинг фикр-мулоҳазалари берилади.

Нодиржон МАМЕДОВ, Низомий номидаги ТДПУ магистри:

— Таълим тизимидаги янги босқич — магистратуранинг психология йўналиши бўйича таҳсил олдим. Икки йиллик таълимдан чиқарган хулосам шуки: магистратура — чуқурлаштирилган таълим ва айни пайтда у талабанинг ўз устида мустақил ишлашини тақозо этади.

Маълумки, ривожланган давлатларда психологик хизмат барча соҳада ўз ўрнига эга. Бирорта муаммога дуч келганда, кишилар психологга мурожаат қилиб, вазиятдан чиқиш бўйича маслаҳатлар олишади. Бизда эса психологияни кишилар турмуш тарзига олиб кириш масаласига эндигина эътибор бериляпти. Мен ўзим олиб борган тадқиқотим — "Таълим соҳасидаги психологик хизматларнинг илмий асослари" орқали 16-17 ёшли ўсмирларнинг руҳий оламини анчайин чуқур ўрганишга муваффақ бўлдим. Тошкент автомобиль йўллари институти қошидаги академик лицейда психологик хизматнинг 5-6 та йўналиши бўйича тадқиқотлар олиб бордим.

Магистратура таълимида эгаллаган билимларимни таълим соҳасига қандай татбиқ этиш хусусида бош қотиряпман.

Аббос МУҲИДДИНОВ, Тошкент автомобиль йўллар институти магистри:

— Транспорт воситаларининг жуда кўп хили ва русумлари мавжуд дунё миқёсида Автомобилсозлик йўналиши бўйича эгаллаган базавий билимларни мустаҳкамлаш, янада чуқурлаштириш мақсадида магистратурага кириб, "Автомобилнинг рул бошқармаси" бўйича илмий тадқиқот олиб бордим. Ҳар қандай автомобилнинг рул бошқармаси ҳайдовчи ҳаётининг хавфсизлигини таъминлайди.

Аслида амалиётда мавжуд бўлган ва тузилиши аниқ рул бошқармасини "Нексия" автомашинаси мисолида ўрганиб чиқдим.

Олиб борган илмий изланишларимнинг аҳамиятга молик эканлиги ҳисобга олиниб, муаллифлик гувоҳномаси берилди.

Ҳозирда институтда иш ўрганяпман. Келгусида бу мавзу устидаги тадқиқотларимни давом эттириш ниятидаман.

* * *

Биринчилик ҳамиша фахр-ифтихор уйғотади. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимиз олий ўқув юртларининг магистратура босқичини турли мутахассисликлар бўйича тугатган ёшлар мустақил Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўша олишларига шак-шубҳа йўқ.

ОРЗУЛАР ҚАНОТ ҚОҚМОҚДА



Бахтигул РАҲИМОВА, ТТЕСИ қошидаги академик лицей битирувчиси, шу институтнинг 1-курс талабаси:

— Мен бу йил ТТЕСИ қошидаги академик лицейни имтиёзли диплом билан битирдим. Шу ўринда бизнинг битирувимиз арафасида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг биз ёшларга йўллаган табрикларини эсламай бўлмайди. Ушбу табрикда битилган илиқ тилаклар менинг юрагимни шодлик ва ғурур туйғусига тўлдирди ва олдимда турган масъулиятли вазифа, шунингдек, улуғ мақсад — олийгоҳга киришим йўлида менга янада куч ва ғайрат бағишлади. Мен 1 август куни тест синовларини топшириб, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти иқтисодиёт факультетига юқори балл билан киришга муяссар бўлдим. Албатта, бундай натижага эришишимда Ю.Янгибоев, С.Каримбоев, Ҳ.Исаев каби устозларимнинг ҳиссаси беқиёсдир. Улар бизга ҳукуматимиз яратиб берган кенг имкониятлар, яъни сўнгги моделдаги компьютерлар, лингафон ва лаборатория хоналаридан фойдаланиб, мустаҳкам билим беришди. Бунинг учун уларга катта миннатдорчилик билдираман. Бугун олийгоҳнинг талабаси сифатида қувончларим чексиз. Шу билан бирга олийгоҳга киргунча бўлган вақт оралиғида мен билан тенгматенг хавотирланган ота-онамнинг хурсандчилигини тил билан таъриф этиш қийин. Сўзимнинг сўнгида институтда таълим олиш жараёнида ўзимни барча билимларим, истеъдодимни сарфлаб, устозларим, ота-онамни юзини ерга қаратмасликни ният қилиб қўйдим.



Бахтиёр РАҲИМОВ, ТТЕСИ қошидаги академик лицей битирувчиси, мазкур институт 1-курс талабаси:

— Мен жорий йилда тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, ТТЕСИ талабаси бўлишдек бахтга муяссар бўлдим. Бу бахтга эришишимга эса мазкур илм даргоҳи қошида ташкил этилган академик лицейнинг ҳиссаси катта бўлди, деб ўйлайман. Чунки мен у ерда ўқиб, юқори малакали ўқитувчиларимдан ўзим танлаган йўналишдаги фан сирларини чуқурроқ эгаллашга муяссар бўлдим.

Бу илм масканида таълим беришнинг ўзига хос томонлари шундаки, аввало, дарс берувчи устозларнинг юқори педагогик малакаси, ўқишдаги замонавийлик, яъни компьютер технологиялари ва замонавий ўқув жиҳозлари, лаборатория хоналари, умуман айтганда, ҳар бир ўқувчи-ёшнинг таълим олиши учун зарур шарт-шароитларнинг яратилганлигидадир.

Биз ёшлар жаҳоннинг ҳеч бир ўғил-қизидан ортда қолмаган ҳолда ана шундай замонавий илм масканларида беками-кўст таҳсил олаётганлигимиздан мустақил давлатимиз ҳукуматига, қолаверса, Юртбошимизнинг шахсан ўзларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ва шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлардимки, биз бугун яратилган барча имкониятлардан оқилона фойдаланиб, келажакда юртимиз равнақи, халқимиз ғурурини янада кўтаришга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Руслан ШОКИРОВ, Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи битирувчиси:

— Мен бу йил коллежни авиация техникаси чилангар йиғувчиси мутахассислиги бўйича битириб, меҳнат фаолиятимни ўзим амалиётда бўлган Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бошладим. Бу ерда коллежда бирга таҳсил олган дўстларим Мурод Шарипов, Сайдулла Шерматов, Валерий Ким, Сергей Паклар билан елкадош бўлиб ишлаётганлигимдан беҳад хурсандман. Бизга тажрибали устоз, моҳир авиасоз Аббос Ғозихонов мураббийлик қилиб келмоқда. Тўғри, дастлабки кунларда бизга техник жиҳатдан мураккаб операцияларни бажаришимизда устоз-мураббийларимиз яқиндан ёрдам беришмоқда. Ва бу борада биз Аббос акадан авиасозлик соҳасининг сир-асрорларини тўлиқ эгаллашга, касб-ҳунар коллежида олган билим, кўникма ва малакаларимизни намоён этишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ишлаб чиқариш амалиётининг айнан шу ерда ташкил этилгани эса бизга хуш келди. Зеро, дипломимизни олгач, бизни бу ерда ўз қадрдонларидек кутиб олишиб, оталарча ғамхўрлик кўрсатишмоқда.

Нурлан УСМОНОВ тайёрлади.

Саодат ЖАББОРОВА, ЎзМУ қошидаги С.Сирожиддинов номидаги академик лицей битирувчиси, ЎзДЖТУ 1-курс талабаси:

— Авваламбор тақдирнинг ҳукми билан мен айнан шу сеҳрли диёрда, қолаверса айнан шу бахтли замонда ўсиб-улғаяётганимдан Оллоҳга беадад шукроналар айтаман. Чунки бу улуғ неъмат ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Албатта, мактабда ҳам, оилада ҳам менга меҳр билан таълим-тарбия беришгани менинг келажагимни белгилаб берди. Шундан бўлса керак, мен ҳам ақлимни таниган сарим уларга меҳрим ортди. Хуллас, 1998 йил ЎзМУ қошидаги С.Сирожиддинов номидаги академик лицейга ҳужжатларимни топширдим. Бунга сабаб мактабдаги билим бериш даражасидан қониқмаслик эмас, балки ўзим қизиққан фанларни чуқурроқ ўрганиш эди. Бу ерда гуманитар фанлар чуқур, мукаммал ўтилишидан ташқари уч йил ичида бошқа фанларни ҳам яхши ўзлаштириб олдик. Шунингдек, бу даргоҳда журналистика соҳасига қизиқишим янада ортди. Бу қизиқиш мени Ўзбекистон жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига ҳужжат топширишимга сабаб бўлди ва мен орзуимнинг биринчи босқичига эришдим, яъни ушбу университет талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Яқин келажакда у ерда таҳсил олар эканман, ишончим комилки, мен ота-онамнинг, устозларимнинг, Юртбошимизнинг, умуман олганда халқимнинг ишончини оқлайман.

Назаримда, академик лицей битирувчилари олийгоҳларда қийналмай таҳсил олишади, чунки биз бошқа тенгдошларимиздан бир йил бўлса-да, кўпроқ таҳсил олдик. Энди орзуимнинг бошқа босқичларини санаб ўтсам: бу университетда ҳам назарий, ҳам амалий билимларни олиб бўлгач, магистратура талабаси бўлиш, олган барча билиму кўникмаларимни халқимизга кўрсатиш, Ўзбекистонни халқаро ҳаёт билан, жаҳон халқларига эса Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти билан янада кўпроқ таништириш, "тўртинчи ҳокимият"ни юқори чўққиларга кўтариш ва умуман олганда халқ манфаати учун хизмат қилиш, десам муболаға бўлмайди. Шу ўринда Ўзбекистон Қаҳрамони, севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Ўзбекман" шеъринининг бир банди ёдимга тушади:

Ўзбекман, иншооллоҳ,
иймоним бутун,
Тилим қисиқ эмас
башариятдан.
Кимгадир тенгдирман,
кимдандир устун,
Зувалам қорилган
самимиятдан.

Илоҳим, ҳар бир инсонга иймони бутлик, кимлар биландир тенг, яна кимлардан устун, шунингдек, зуваласи самимиятдан қорилган бўлиш бахти насиб этсин.

ЖАҲОНГАШТА ЎЗБЕК ҚИЗИ

Ҳозирга келиб миллионлаб ўзбекистонликларга номи таниш бўлган чустлик қиз, стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони Севара Қодирова истиқлол даврида камол топаётган янги авлод вакили. Севара ҳали мактабда ўқиб юрган кезларида Швециянинг Карлсбург шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб бўлиб, шоҳсупага кўтарилган. Ушанда унинг шону-шарафига Ўзбекистон мадҳияси янграб, байроғимиз энг баландга кўтарилди. Юртга қайтиб келгач, таассуротлари билан ўртоқлашган ҳар бир суҳбатдошига қуйидагича фикр билдирган:

— "Менинг ютуқларим-истиқлол берган имкон. Шуни ишонч билан айтаманки, менинг миллатимда итеъдодларни кашф этиш учун кўп нарса талаб қилинмайди. Ўзбекнинг ҳар бир боласига ўзини намоён этиши учун имкон бериш кифоя. Ва ҳар қандай ижобий муваффақият рағбат билан мустаҳкамланади, ривожланади".

Айтиш лозимки, юртимиз таълим тизимида кечаётган ислоҳотлар ўз мевасини бера бошлади. Айниқса, спорт ва соғломлаштириш соҳасида. Авлоднинг соғлом бўлиши, шунингдек, бўш вақт деган нарсанинг ўрнига фойдали машғулотлар билан банд бўлиш, қолаверса, истеъдодларни амалда кўрсатиш ва ниҳоят, жаҳонга чиқишнинг болаликданоқ бошланиши бугун сизу биз бахраманд бўлаётган энг улуғ, энг азиз неъматимиз ҳосиласидир.

Бугун Севара каби юртимиз фарзандлари юзлаб, минглаб топилади. Бу ўз навбатида бизни миллат сифатида ҳам,халқ сифатида ҳам юксалиб бораётганимиздан нишона.

Дарвоқе, Севара Қодирова ҳозирда Наманган муҳандислик институтида таҳсил олмоқда. Севимли машғулоти — стол теннисини ҳам тарк этгани йўқ. У яқингинада Рига шаҳрида ўтказилган нуфузли халқаро турнирда қатнашиб бош совринни қўлга киритди. Энди Ашхободда ўтадиган Марказий Осиё биринчилигида қатнашиш учун тайёргарлик кўраяпти. Қисқаси, у бугун бир ўзбек қизи сифатида юрт байроғини баланд кўтариб дунё кезмоқда. Борган жойидан ўз Ватанини танитиб қайтаяпти. Сарлавҳамизда унга "жаҳонгашта" дея сифат берганимиз ҳам истиқлол фарзанд-ларидан фахрланиш боиси эди.

Ф.КАРИМОВ

Суратда: «Баркамол авлод» спорт ўйинлари старт олдидан.

Б.РИЗО олган сурат.

Хулоса қилиб айтганда, болаларнинг мактабгача таълим босқичида Конституция бўйича эгаллаган билимлари уларнинг кейинги ҳаётида, айниқса, ҳуқуқий давлат фуқароси сифатидаги ҳуқуқий онг ва маданиятининг шаклланишида пойдевор вазифасини ўтайди.

Таълим кредитлари беришга ўзимизда ижтимоий ҳимоя, имтиёзлилик, кенг қамровлилик ҳамда узоқ муддатлилик тамойиллари асосида ёндашилганлиги билан фарқланади.

Konstitutsiyani o'rganamiz

МИТТИ ТАСАВВУРДА БУЮК ВАТАН ТИМСОЛИ



2001 йил 4 январда Узбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни юксак даражада ташкил этишга қаратилган республика Президенти Фармойиши эълон қилинди. Фармойиш "Ҳаётимизнинг асосий Қонуни бўлмиш Узбекистон Республикаси Контитуциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш"ни мақсад қилиб қўйган. Фармойишда эътироф этилганидек, Асосий Қомусимизни ўрганиш узлуксиз таълимда босқичма-босқич амалга оширилади.

Босқичли ҳуқуқий таълим-тарбия беришдан мақсад — ёшлар онгида назарий, ҳуқуқий билимлар, қўникма ва малакаларни таркиб топтириш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашдир. Мактабгача таълим муассасаларининг ходимлари олдида бу борада юзага келаётган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, қилинган ва қилиниши керак бўлган ишларнинг таҳлили, алоҳида эътибор қаратиш жоиз бўлган муҳим жиҳатлар ҳақидаги мулоҳазаларимиз қуйидагилардан иборат.

Ушбу фармойиш асосида Узбекистон Республикаси ХТВ, РТМ ёрдамида олимлар, амалиётчилар томонидан мактабгача, умумий ўрта таълим тизимида Узбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш учун зарур бўлган дастур, курслар, методик кўрсатмалар, дидактик воситаларга қўйиладиган талаблар, дастурлар ишлаб чиқилди. Мактабгача таълим муассасаларида "Конституция сабоқлари" махсус курси, умумий ўрта таълим муассасаларида дастлаб "Ҳуқуқ алифбоси" номи остида (1-4-синфлар), кейинроқ, "Конституция оламига саёҳат" деб номланган алоҳида ўқув фани (5-7-синфлар) утилиши белгилаб қўйилди. Мазкур синфларда курсни ўрганиш учун мактаб компоненти ҳисобидан 17 соат ажратилди, 8-9-синфларда махсус ўқув фанлари (8-синфда "Узбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари", 9-синфда "Конституциявий ҳуқуқ") таркибида ўқитишга келишиб олинди.

Хўш, мактабгача таълим муассасаларини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан ўтди, уларга сертификатлар берилди.

Энди, бутун масъулият мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларига юклатилади. Зеро, Конституцияни кичик ёшдаги болаларга етказиш жуда мураккаб вазифа бўлиб, унинг қай даражада бажарилиши тарбиячиларнинг фидойилигига уларнинг билим даражаси ҳамда касб маҳоратларига боғлиқ.

Мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячилари муассаса раҳбарияти, ота-оналар билан ҳамкорликда қўйидаги вазифаларни бажаришлари керак.

Аввало тарбиячилар, Узбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 6 декабрь куни Конституциямизнинг 8 йиллиги байрами муносабати билан Туркистон саройида сўзлаган нутқини ҳамда "Узбекистон Республика Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишнинг мазмун-моҳияти, мақсадларини қайта-қайта ўқиб чиқишлари, улардан келиб чиққан ҳолда, уларга кераклли вазифаларни белгилаб олишлари лозим.

Иккинчидан, Узбекистон Республикаси Конституциясининг мукаддимасидан бошлаб барча бўлим, боб ва моддаларигача, тула ўрганиб чиқиб, қисқа конспектлар, кўргазмалар, карточка-тарқатмалар тайёрлашга тезроқ киришиш керак.

Боланинг шахс сифатида камол топиши ва унинг инсоний фазилатлари, хислатларини шакллантиришда Конституциянинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳар бир гуруҳ тарбиячиси болаларни "Конституция сабоқлари" билан таништириш буйича дастур талабларини, яъни болаларга бериладиган билимлар ҳажмини, уларни амалга ошириш йўллари ва усулларини билиши керак.

"Конституция сабоқлари" махсус курси машғулотлари орқали ҳар бир бола инсон — энг улуғ зот эканлигини, бошқа тирик мавжудотлардан нима билан ажралиб тиришини ғўдаклигидан қалби билан ҳис қилиши керак.

"Конституция сабоқлари" дастури ҳамда ўқув қўлланмаси барча босқичларда болаларга илк ҳуқуқий тушунчаларни (ёшига мос ҳолда) бериш орқалигина бошланғич ҳуқуқий маданият элементларини шакллантириш мумкинлигини назарда тутади.

Мактабгача ёшдаги болаларга Конституция ҳақида тушунчаларни бериш "интеграл таълим" асосида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам, машғулот ишланмалари теварак-атроф билан таништириш, табиат, бадиий адабиёт, одобнома бўлимлари мазмунига илк ҳуқуқий тушунчаларни сингдириш, боғлаш, мужассамлаш асосида ишлаб чиқилган.

Урта ёш даври (3-4 ёш)га мулжалланган "Конституция сабоқлари" услубий қўлланмада бу босқич учун жами бешта мавзу ажратилган бўлиб, улар ёрдамида болаларнинг туғилиб усган жойи, она-Ватани, оила аъзолари ва яқинларига меҳр-муҳаббат, ҳурмат хислари тарбияланади, "мумкин", "мумкин эмас", "яхши", "ёмон" каби тушунчалар шакллантирилиб, одоб сақлаш, инжиқлик қилавермаслик, табиат оламига зарар етказмасликка ўргатиб борилади.

Катта ёш даври (4-5 ёш). Жами еттита машғулот мавзуси ажратилган бўлиб, болаларга она-Ватан, шаҳар, қишлоқ, маҳалла, халқ, урф-одатлар, тарихий жойлар ҳақида илк тушунчалар берилади. Болаларни Узбекистон Республикасининг давлат рамзлари билан таништириш ҳамда бу рамзларга ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, ҳарбий қўшинларга нисбатан қизиқиш уйғотиш орқали ботирлик, жасурлик, ватанпарварлик туйғулари сингдириб борилади.

Мактабгача тайёрлов даври (6-7 ёш). Бу босқичда, энди анча жиддий тушунчалар, соф ҳуқуқий маъно касб этган илк категориялар, жумладан, озодлик, эркинлик, миллий анъаналарнинг қайта тикланиши, дастурда назарда тутилган ва болаларга ўргатилиши керак бўлган айрим Конституция моддалари, миллий байрамлар кабилар болалар онгига етказиб борилади. Уларда миллий ғурур ва миллий ифтихор, миллатга муҳаббат, ҳурмат туйғулари шакллантирила бошланади. Саккиз машғулотдан иборат бу босқичда боланинг мактабга тайёрлов даврида эканлиги ҳам инобатга олиниши керак.

Хулоса қилиб айттанда, болаларнинг мактабгача таълим босқичида Конституция бўйича эгаллаган билимлари уларнинг кейинги ҳаётида, айниқса, ҳуқуқий давлат фуқароси сифатидаги ҳуқуқий онг ва маданиятининг шаклланишида пойдевор вазифасини ўтайди. Айнан шунинг учун мазкур босқич биринчи даражали аҳамият касб этиб, ўзига жиддий ёндошувни тақозо этади. Соҳадаги мавжуд камчиликлар ва муаммоларни аниқлаш, улардан тегишли хулосалар чиқариш, умуман, Президентимиз ташаббуси билан бошланган жараён — Конституция таълимини сифат жиҳатидан янги босқичга кутариш жараёнига қўшилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

Омина ОМОНОВА,
Куйганёр академик лицейи ўқитувчиси,
Узбекистон халқ ўқитувчиси

ТАЪЛИМ КРЕДИТИ МЕХАНИЗМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида таълимни молиялаш бозор иқтисоди талабларига мос бўлишни тақозо этади. Ҳозирги кунда таълимни молиялаш давлат бюджети ва бюджетдан ташқари тушумлар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги йўлга қўйилган ушбу йўналишлар бўйича маблағлар топиш ва улардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқда. Шу асосда тадбиркорлик, чет эл ва давлатимиз корхона, ташкилотлари инвестицияларини жалб этиш, маслаҳат марказларини ташкил қилиш, пулли таълим хизматларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш ва бошқа кўплаб ишларни амалга ошириш ҳар бир олий ёки ўрта махсус таълим маскани учун алоҳида вазифа қилиб белгилаб қўйилди.

Муҳаммадали САИДОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъат аъзоси, иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг бош бошқармаси бошлиғи

Ушбу ишлар билан бир қаторда тўлов-контракт асосида талабалар қабул қилиш асосий йўналишларимиздан бири ҳисобланади. Бу борада қатор ишлар амалга оширилди ва кўплаб тадбирлар режалаштирилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган таълим кредити бериш механизмини барпо этиш ва уни мукаммаллаштириш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб турган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси яқинда қабул қилган "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги қарор айнан ушбу муаммонинг ҳал этилишига асос бўлиб хизмат қилади. Бу, биринчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислоҳотлар ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бўйича қилинаётган амалий ишларнинг самарадорлигини янада оширади. Чунончи, бу янгилик — ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза этишга қаратилган муҳим тадбирлардан биридир.

Иккинчидан, тараққиёт сари ўз ривожланиш йўли, модели орқали интилаётган давлатимизнинг бу борадаги тутган тамойили ҳам мавжуд хорижий тажрибалардан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, МДҲ давлатлари ичида биринчи бор республикамизда бундайин катта ишга қўл урилди. Қолаверса, таълим кредитлари беришга ўзимизда ижтимоий ҳимоя, имтиёзлилик, кенг қамровлилик ҳамда узоқ муддатлилик тамойиллари асосида ёндашилганлиги билан фарқланади.

Булар нималарда кўринади? Аввало, контракт асосида олий ўқув юртларида таълим олаётган ҳар бир талаба таълим кредити олиш ҳуқуқига эга. Улар орасидаги чин етимлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига тижорат банкларидан фоизсиз кредитлар олиш имтиёзи берилган. Ҳозирда олий ўқув юртларимизда 336 нафардан ошиқ етимлар ва "Меҳрибонлик уйлари" тарбияланувчилари, 107 нафар болалигидан ногиронлар таълим олишмоқда. Ижтимоий муҳофаза нуқтаи назаридан мазкур муаммо ечимига қарайдиган бўлсак, кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун(улар 1725 нафар) кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Маълумки, бирор-бир ишни амалга ошириш учун, аввало, шунга яраша имконият мавжуд бўлиши керак. Шу маънода мамлакатимиздаги мавжуд иқтисодий барқарорлик, тобора такомиллашиб бораётган бозор иқтисодиёти механизмининг самарали фаолияти таълим кредитларининг ажралишида муҳим омил вазифасини ўтайди. Зеро, ҳозирда мўлжалланаётган ушбу тадбирни кўнгилдагидек ташкил этиш учун бир неча миллиардлаб маблағ талаб этилади. Қолаверса, кредит берувчи тижорат банкларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга рағбат янада ортади. Негаки, ўз "қарздорлари" учун тезроқ улардан қутулиш имкониятларини яратиш ҳамда ўша қарзи тўлови кафолатларини таъминлашдан, албатта, банклар ҳам манфаатдор бўлади. Олий ўқув юртлари битирувчилари учун иш жойлари ташкил этиш ёки бўлмаса уларнинг муносиб иш ўринларига жойлашуви муаммоси ҳам ўз ўрнида мукаммал ечимини топади.

КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

Fikr, mulohaza, taklif

Ўзбекистон XXI асрга, янгиланаётган жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожининг ҳамма жабҳаларини, шу жумладан таълим тизимини ислоҳ қилиш шароитида кириб борди. Мамлакатнинг таълим соҳасидаги сиёсати унинг устуворлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, Ислом Каримов номи билан боғлиқ "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул қилинишига олиб келди. Мазкур концептуал модел жаҳон тажрибасида такрорланмас бир ҳодиса бўлиб, юртимиз таълим амалиётида тўпланган тарихий, ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси ҳамда ютуқларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган.

Неъматулла ИБРОҲИМОВ,
академик, Олий Мажлис депутати, ТошДШИ ректори, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари ректорлар раёсатининг раиси

Ҳозирги пайтда биринчи босқичнинг илк натижалари ҳамма таълим соҳаларида таҳлил этилиб, бу босқичда эришилган ютуқлар ёки қилинмаган ишлар, камчиликлар умумлаштирилмоқда. Таълим муассасаларида бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда ҳали ниҳоясига етмаган ёки янада такомиллаштирилиши ва истиқболда ҳал этилиши лозим бўлган вазифа ва муаммолар мавжуд. Жумладан, замонавий ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллаш, олий ўқув юртлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги ишга туширилган ва очилаётган касб-ҳунар коллежлари учун педагоглар тайёрлаш ҳамда замонавий техник воситаларда ишлашга шароит яратиш мақсадида таянч олий ўқув юртларига қўшимча маблағ ажратиш кераклиги ойдинлашяпти. Узлуксиз таълим жараёнини амалга ошириш юзасидан лицейлар билан бўлган алоқани мустаҳкамлаш ва интеграцион дарслар, масофавий таълим услубларини жорий этиш, ўқув жараёнида талабалар фаоллигини таъминлаш ҳисобига дарс сифатини ошириш ва барча ўқув фанларидан ўзбек ва рус тилларида етарли даражада замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш, узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий ўзгартириш ҳамда уларни изчил ривожлантиришни давлат йўли билан бошқариб борши ислоҳотлар мазмун ва моҳиятини яна ҳам оширади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эришилган ютуқларни, миллий-маънавий қадриятларимизни акс эттирувчи, истиқлол ғояларини тараннум этувчи китоблар, рисолалар, плакатлар, альбомлар ва бошқа кўргазмали воситаларни тайёрлаш, чоп эттириш ва ўқув юртларига тарқатиш, таълим муассасалари маънавият, маърифат ва тарбия ишларига мутасадди ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқишлар ташкил этиш, миллий истиқлол ғояси ва маънавий масалаларга оид анъанавий шаклдаги илмий-назарий, амалий семинарлар уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Илм-фанга бўлган эътиборни тубдан яхшилаш, аспирантура ва докторантуралар фаолиятини ривожлантириш, фан тармоқлари ва мутахассисликлар бўйича илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш режасини шакллантириш, вазирлик ОЎЮларида аспирантура ва докторантуралар тармоғини кенгайтириш, иқтидорли талабаларни аниқлаш ва ўқитишнинг методологияси, психологик-педагогик ва ташкилий шароитларини яратиш ҳамда уларнинг республика ОЎЮлари бўйича жамланган маълумотлар банкини шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Иқтидорли талаба-ёшларнинг илмий клублари, лойиҳалаш бюролари, илмий тадқиқот секторларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимида фаннинг аҳамиятини ошириш, табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларига оид янги фундаментал ва амалий билимларни шакллантириш муваффақиятлар омили бўла олади.

Профессор-ўқитувчилар таркиби, уларнинг илмий-назарий савияси ва педагогик маҳорати муттасил ошиб бориши лозим. Эски дастур асосида ўқиган ва фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бугунги куннинг энг муҳим, долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг истиқбол режалари тўла рўёбга чиқишида баҳамжиҳат ҳаракат зарур.

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида таълимни молиялаш давлат бюджети ва бюджетдан ташқари тушумлар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги йўлга қўйилган ушбу йўналишлар бўйича маблағлар топиш ва улардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқда. Шу асосда тадбиркорлик, чет эл ва давлатимиз корхона-ташкилотлари инвестицияларини жалб этиш, маслаҳатлар ташкил қилиш, пулли таълим хизматларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш ва бошқа кўплаб ишларни амалга ошириш ҳар бир олий ёки ўрта махсус таълим маскани учун алоҳида вазифа қилиб белгилаб қўйилди.

Шунингдек, тўлов-контракт асосида талабалар қабул қилишнинг ижтимоий муҳофазаси кафолатланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июль 318-сонли қарорида бундай талабаларга таълим кредити бериш механизмини барпо этиш ва уни мукаммаллаштириш белгилаб берилди. Ҳозир дунёда таълим кредити беришнинг турлича дастурларидан фойдаланилмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, жаҳонда мавжуд имкониятнинг қарийб 50 фоизи талабалар таълим олиши учун билвосита харажатлар — тураржой, овқатланиш ва бошқаларни қоплашга кетмоқда.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш учун, соғлом ижтимоий-сиёсий муҳит ва тинч замин мавжуд. Бугунги ва эртанги авлоднинг узлуксиз таълим тизимига жалб этилиши замирида олий мақсад бор. У ҳам бўлса, Ўзбекистонни дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшиш.

"Ўзсаноатқурилишбанк"



республикамиздаги барча олий ўқув юртларида меҳнат қилаётган устоз-мураббийларни, энг улуғ, энг азиз ва энг файзли байрам — Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги билан табриклаб, уларга куч-қувват, саломатлик тилайди. "Ўзсаноатқурилишбанк" халқимиз фарзандларининг етук, билимли, юксак малакали мутахассис бўлиб камол топишини қўллаб-қувватлаш мақсадида

«Олтин даврим»

деб аталган имтиёзли таълим кредитини жорий этди.

Кредит мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабаларга берилади.

Имтиёзли таълим кредити олиш учун банкнинг барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин.

КАДРЛИ ТАЛАБА ЁШЛАР!

"Олтин даврим" деб номланган таълим кредити сизнинг келажагингиз учун! Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди, Билиб қўйки, сени Ватан кутади.

Тошкент шаҳридаги телефонларимиз:

120-45-71,
120-45-28

120-45-26,
120-45-23

Республикамизда бугунги кунда 210 та хонадон боғчалари, 264 та мактабгача ва бошланғич таълим мажмуалари, 50 дан ортиқ илк ёшда ривожлантириш марказлари ташкил этилган.

Иқтисодиётнинг ҳал қилувчи бўғини ҳисобланган кичик ва ўрта бизнес ривожи Ўзбекистон учун ниҳоятда муҳимдир. Бу соҳа тараққий топса, жамият ҳаётида бирваракайига жуда кўп муаммолар ўз ечимини топади.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАЪЛИМИ

Давлатимизнинг буюк келажагини яратиш ишбилармон, тадбиркор кадрлар тайёрлаш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда эканлигини ислоҳотлар яққол намоён этмоқда.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқариш юзасидан давлатимиз миқёсида олиб борилаётган кенг қамровли ишларнинг кичик булаги сифатида Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи ҳам тубдан қайта таъмирланиб, халқаро андозалар даражасида жиҳозланди, ўқув жараёни замонавий ахборот технологиялари, ўқув техникавий воситалар билан таъминланди.

Тайёрланаётган мутахассисларимиз ўз касблари соҳасида ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда нима иш қилиш ва шу ишни қандай қилиб амалга ошириш, кимлар билан биргаликда ва кимлар учун мўлжалланган ҳолда бажариш кераклиги ҳақидаги саволларга мустақил равишда жавоб бера олишлари, банк, кредит, молия тизимларини яхши билишлари, сармояларни айлантириш, соҳаларга йўналтириш, инфляция жараёнини ҳисобга олган ҳолда кичик ва ўрта бизнесни бошқариш билимларини мукаммал билишлари учун зарур ишларни амалга ошириб бормоқдамиз.

Коллежимизда тайёрланаётган мутахассислар келгусида исталган соҳаларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллана олишларига зарур бўладиган билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Ушбу билим ва кўникмалар ҳажми ўқув меъёрий ҳужжатларда қандай даражада ўз аксини топганлигини аниқлаш юзасидан коллежимизда ЎМКҲТ Маркази бўйруғига асосан ижтимоий-иқтисодий соҳалар учун ишлаб чиқилган ўқув меъёрий ҳужжатларни тажриба-синовдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу тажриба-синовлар натижаларини таҳлил қилиш ва чиқарилган хулосалар асосида бу меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Бунда ўқув дастурлари мазмуни бозор иқтисодиётини амалга оширишга қаратилган ислоҳотлар жараёни билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилишнинг назарий ва амалий масалаларини тўлиқ қамраб олиши ҳамда шунга мувофиқ равишда ўқитиладиган фанлар таркибини бир тизимга келтиришга эътибор қаратилмоқда.

Коллежимизда ташкил этилган илмий-услубий кенгаш йиғилишларида ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган янги ўқув — услубий қўлланмалар, кўрсатмалар, ноанъанавий усулдаги янги таълим технологияси элементларини ўз ичига олган машғулотлар тавсияномалари ва таянч конспектлари ҳар томонлама чуқур муҳокама қилиниб, тажриба тариқасида амалиётга тадбиқ этилмоқда. Бу борадаги тадбирларни амалга оширишда коллежимизнинг васий ва ҳомийлари, жумладан, республика Молия вазирлиги, Тошкент Молия институти, Тошкент Давлат педагогика университети, Ўзбек-Америка "VIRTEX" қўшма корхонаси ва бошқа ишлаб чиқариш муассасаларининг ҳиссалари самарали бўлмоқда. Шунингдек, Жанубий Корея республикасидан кредит эвазига замонавий компьютер ва ўқув техникавий воситалар келтирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 июлда бўлиб ўтган мажлисида Юртбошимиз ўз нутқида жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар бугунги тараққиётга, кичик ва ўрта бизнесга эътибор қилиш орқали эришганликларини ҳаётий мисоллар ёрдамида кўрсатиб бердилар. Иқтисодиётнинг ҳал қилувчи бўғини ҳисобланган кичик ва ўрта бизнес ривожи Узбекистон учун ниҳоятда муҳимдир. Бу соҳа тараққий топса, жамият ҳаётида бирваракайига жуда кўп муаммолар ўз ечимини топади. Ҳаётий тажрибаларимиз шуни кўрсатмоқдаки, олдимизда ҳали фойдаланилмаган имкониятларимиз бекиёс. Дарҳақиқат, Ватанимизнинг эртанги порлоқ келажаги, унинг буюк бўлиши бизнинг бугунги меҳнатимиз самарасига боғлиқдир.

Фарҳод ОМОНОВ,
Тошкент молия иқтисодиёт коллежи "Солиқ ва солиққа тортиш" кафедраси мудири

ҚАЛБИ ДАРЁ МУАЛЛИМ, ОЛИМ

Ta'lim fidoiylari

Шундай инсонлар бўладики, улар ҳақида бирор фикр айтиш учун бир оз тараддудланиб қоласиз. Чунки уларнинг хислатлари бир талай, ўз соҳаларида амалга оширган ибратли ишларини кўплаб санаш мумкин. Мақоламиз қаҳрамони ҳам ана шундай инсон.

Термиз шаҳридаги боғчалардан бири. Семинар боис турли тоифадаги раҳбарлар, меҳмонлар келишига роса тайёргарлик кўрилган. Табиийки, болаларни ҳам тайёрлашган. Улар учун ноодатий бир ҳолат. Албатта, бундай пайтда гўдак галстукли амакилар билан расмий тарзда ва хор билан салом-алик қилади, хайрлашади. Савол-жавоблар ҳам "ҳа, йўқ" ёки жимлик билан ўтилади, боланинг билими ва кўникмаларини аниқлаш қийин кечади. Икки-уч гуруҳ шу аҳволда ўтгач, мақоламиз қаҳрамони бир гуруҳга кириб, костюмини ечиб, болаларга қараб самимий салом бердида, бир-икки оғиз гапириб, шкафда турган бир неча ўйинчоқларни олиб, болалар даврасига — ерда тўшалган гиламчага чордона қуриб ўтириб олди. Болалар "меҳмон амаки"нинг саломига хор билан жавоб беришиб, бегонасираброқ қарашди. Амаки ўзларининг ўйинчоқларини олиб, улар даврасига ўтиргач, тўсиқнинг бир қисми олинди. Болаларга улар тилида саволлар бера бошлади:

— Бу нима? — деди қизил коптокни кўтариб.

— Копток, — дейишди барчаси чуғурлашиб.

— Ранги қанақа, қанақа рангда? — деди меҳмон.

— Қизил, — дейишди бир неча болалар.

Меҳмон амаки болаларча чаққонлик билан жойидан турди-да, гултувакда ўсаётган гул ёнига бориб:

— Бу нима? — деди.

— Гул!!! — қийқиришди болалар.

— Ким айтади, бу гулнинг номи нима? Болалар тараддудланишди, ҳаммаси ҳар хил жавоб бера бошлади.

— Бу гулнинг номи Атиргул! Нима экан? — деди меҳмон.

— Атиргул!

Гулнинг номини билиб олишди улар.

Суҳбат шу зайлда давом этди. Саволжавоб асносида барча болалар унинг атрофини ўраб олишди. Меҳмон амаки бу гуруҳдаги болалар давлат талаблари даражасида тарбияланаяптиларми, камчилик нималардан иборат эканлигини аниқлаб олди, болалар эса самимий амакининг самимий саволларига жавоб берганларидан хурсанд бўлишди, шодон хайрлашишди.

Бир фурсат болалар дунёсига ғарқ бўлган бу мураббий педагогика фанлари доктори, профессор Жўра ака Йўлдошев эди.

Жўра ака жуда болажон, қалби дарё инсон. "Ҳали болаларга меҳримни тўлиғича беролган эмасман", дея таъкидлаб юради. Шу боис болаларни кўрса, қувнайди.

Олимнинг илмий изланишлари малака ошириш орқали мактабдаги ёшлар — келажак авлод тарбияси масалаларига бағишланган. Истиқлол юрт равнақи учун баркамол авлодлар тарбиялашни таълим тизими олдига вазифа қилиб қўйди. Хўш, ҳар томонлама етук — билимдон, соғлом, ақлли авлодни ким тайёрлайди? Жамият ёрдамида, албатта, муаллим тарбиялайди бундай авлодни. Бироқ муаллим ана шундай авлодни тарбиялаш воситаларини, янги педагогик технологияларни қаерда ўрганади? Албатта, бунинг учун таълим тизимида малака ошириш, қайта тайёрлаш тушунчалари борки, улардан унумли фойдаланиш, юқорида айтганимиз миллий истиқлол ғояси билан руҳ олган баркамол авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

Жўра ака боланинг мустақил фикрлашини таъминлайдиган ўқитувчилар авлодини тайёрлашнинг илмий асосларини яратишга ҳаракат қиляпти. "Бунинг учун, энг аввало, собиқ совет тарбиячилигининг иллатидан қутулиш, яъни болани ўқитиш эмас, ўқишга ўргатишимиз лозим", деган гапни ўқитувчилар ҳузуридаги маърузаларида, давра суҳбатларида бот-бот такрорлайди.

Таъкидланганидек, бу инсон хислатлари ҳақида кўп ёзиш мумкин. У қатор йиллар халқ таълими вазири лавозимида ишлади, бир неча китоблар муаллифи, бир қанча шогирдлар тарбиялаган, таълимда ўз ўрнига эга муаллим, олим. Ҳукуматимиз унинг ҳизматларини муносиб баҳолаган. Ўзининг олтмиш ёшини нишонлаётган Жўра ака "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвони ва "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланган.

Халқаро миқёсда ҳам унинг ўзига хос ўрни бор. У Россия педагогика ва ижтимоий фанлар академияси ва АҚШ халқаро фан ва таълим академиясининг ҳақиқий аъзоси ҳисобланади.

Ижодкор Устоз бугун ҳам изланишда. Таълимимизга у ҳали кўп наф келтириши, шубҳасиз.

Ҳ.АБДУЛЛАЕВ

Maktabgacha ta'lim

БОЛАНИ МАКТАБГА КИМ ВА ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАШИ КЕРАК?

Мустақиллик йилларининг илк қадамлариданоқ жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олган сиёсий ва иқтисодий туб ислоҳотларни амалга ошириш бошланди. Таълим соҳасининг биринчи поғонаси ҳисобланмиш мактабгача таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар қилинмоқда. Айниқса таълим муассасалари фаолиятини меъёрлаштирувчи "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Таълим тўғрисида"ги қонун, шунингдек, "Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тўғрисида Низом", "Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари" каби муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши тарихий воқеа бўлди.

Узлуксиз таълимнинг бу жараёнида болаларга таълим ва тарбия бериш вазифалари, мазмуни, шакл ва услублари, шунингдек, педагогика фани тараққиётининг устувор йўналишлари қамраб олинмоқда.

Бугунги мактаб боласидан аниқ билимларгина эмас, фикрлаш кўникмаси, катталар ҳамда ўртоқларини тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳам талаб этилмоқда. Шунинг учун боланинг мактабга қадам қўяётганида нечоғли билимга эгалиги эмас, балки унинг янги билимларни эгаллашга тайёрлиги, воқеа-ҳодисани мустақил равишда таҳлил этиши ва ҳаракат қилиши муҳимроқ ҳисобланди.

"Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тўғрисида"ги Низомга мувофиқ бола мактабгача таълимни уйда, ота-оналарнинг мустақил равишда таълим ва тарбия бериши орқали ёки доимий фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим муассасаларида, шунингдек, мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган болалар учун болалар боғчаларида, мактабларда, маҳаллаларда ташкил этилган махсус гуруҳлар ва марказларда тарбияланмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра болалар жисмоний, шахсий (руҳий), ақлий ва махсус тайёргарлиги бўлса, мактабга тайёр бўлар экан. Бу учта омилни болаларда шакллантириш асосан болалар яслиси, болалар боғчаси, болалар ясли боғчаси, хонадон болалар боғчаси (ҳам мустақил муассаса) сифатида ишлаётган мажмуаларда амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда республикамизда жами 6704 та мактабгача таълим муассасалари фаолият олиб бормоқда. Бунда жами 624652 нафар бола таълим-тарбия олмоқда.

Тарихга назар солсак, мактабгача таълимда оиланинг иштироки чекланган эди. Ота-оналар болаларига тарбия беришда боғчага, кейин эса мактабга суянар эдилар. Айни шунинг натижаларини ҳозир ёш ота-оналарда педагогик маҳоратнинг етишмаслигида кузатиш мумкин. Ҳозирги вақтда республикамизда корхона ва ташкилотларга қарашли мактабгача таълим муассасалари тармоғи камайиб бормоқда. Айрим туманларда эса умуман мавжуд эмас. Охирги 10 йил ичида мактабгача таълим муассасалари сони 3 мингдан ортди. Уларга қатновчи болалар сони эса деярли икки баравар камайган. Бу шароитда мактабга тайёрлаш масаласи кўпчилик ота-оналар зиммасига тушмоқда. Лекин ота-оналарнинг педагогик маҳорати етишмаслиги туфайли қийинчиликлар туғилмоқда. Булардан кўриниб турибдики, ота-оналар ўз болаларининг индивидуал хусусиятларини кўпроқ билсалар ҳам, улар мактабгача таълим муассасалари хизматига муҳтож.

Бу масаланинг қандай ҳал қилинаётганини билиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим бошқармаси етакчи мутахассиси Динора Муҳиддиновага мурожаат қилдик.

— Биринчидан, мактабгача таълим муассасалари тармоғини сақлаб қолиш ва ривожлантириш кам харажатли, овқатланиш ва тиббий хизматсиз ёки уларга муқобил шаклдаги мактабгача таълим муассасалари ташкил этиш керак. Иккинчидан, болаларга таълим-тарбия беришда ота-оналар, боғча-мактаб ҳамкорлигини йўлга қўйиш, мактабгача таълим муассасаларини иқтисодли янги турлари — МТМ тизими ва гуруҳларини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш керак. Шу мақсадда республикамизда бугунги кунда 210 та хонадон боғчалари, 264 та мактабгача ва бошланғич таълим мажмуалари, 50 дан ортиқ илк ёшда ривожлантириш марказлари ташкил этилган.

Мактабгача таълим муассасаларининг бундай янги турлари ўзининг айрим қулайликлари билан юқори самара бермоқда ва ота-оналар ўртасида бундай муассасаларга талаб кундан-кунга ўсиб бораяпти. Чунки улардаги муҳитнинг оилавий шароити яқинлиги, болалар сонининг камлиги жиҳатидан болалар ва уларнинг ота-оналари учун қулайликлар туғилмоқда.

Бундан ташқари маҳалла қўмиталари боғчага, мактаб қошида боғчага қамраб олинмаган болаларни мактабга тайёрлаш мақсадида саводхонлик марказлари ташкил этилган. Бундай марказларнинг асосий фаолияти давлат талаблари асосида 6-7 ёшли болаларни мактаб босқичига тайёрлашдан иборат.

Шундай экан, давлат ва жамият асосий эътиборни оилага, унинг моддий аҳволини яхшилашга, руҳий-маънавий муҳитини соғломлаштиришга қаратмоғи, қолаверса, соғлом келажак учун ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаши зарур.

Ҳақиқатан ҳам айтиб ўтилган муаммолар ечими тўлиқ амалга кўчса, мактабгача таълимда ҳам анчагина ютуқларга эришиларди. Лекин масаланинг яна бир томони ҳам борки, ўқув қўлланмаларининг тўлиқ етишмаслиги. Ҳозирги кунда бу масалани қандай ҳал қилинаётганини билиш учун РТМ мактабгача таълим маркази бўлим бошлиғи Гулчеҳра Мусурмонқуловага мурожаат қилдик.

— Бу масалани ҳал қилиш учун кўплаб китоблар чиқарилмоқда. Ва бу борада биз кўплаб нашриётлар билан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Масалан, яқинда "Маърифат-Мададкор" нашриётида "Учинчи мингйилликнинг боласи" таянч дастури ва ўқув қўлланмаси, яна "Болангиз мактабга тайёрми?" номли китоблар чоп этилди. Республикамизнинг барча мактабгача таълим муассасаларига бу китоблар давлат томонидан бепул тарқатилди. Яқин кунларда бир нечта қўлланмалар ҳам нашрдан чиқиб, муассасаларга тарқатилади. Бундан ташқари бу китоблар ота-оналарга ҳам қўлланма сифатида фойдаланишга тавсия қилинмоқда.

Шерзод АҲМАТОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

АБИТУРИЕНТЛЕРДИ СОЦИАЛЛЫҚ ҚОРҒАЎ

Қ.Өтениязов,
ҚМУ ректоры

Өзбекстан Республикасының Кадрлар таярлаў бойынша Миллий Бағдарламасында көзде тутылған социаллық кепилликлерди тәмийинлеў, билимлендириў тараўында мәмлекетлик қоллап-қуўатлаў өзиниң айқын көринисин тапты. "2001-2002 оқыў жылында Өзбекстан Республикасының Жоқары билимлендириў мәкемелерине қабыл етиў ҳаққында" ғы Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинетиниң қарары Қарақалпақстанлы ҳәм Хорезмли талабанлардың Өзбекстан Республикасының алдыңғы қатардағы Жоқары оқыў орынларына түсиўине үлкен жол ашып берди. Жол қәрежетлериниң жоқарылап кетиўи көплеген жаслардың Ташкент ҳәм басқа да қалалардағы белгили университетлерге барып оқыўға түсиўине кери тәсирин тийгизди. Соңғы ўақытлары, әсиресе Қарақалпақстан Республикасында айырым тараўлар бойынша қәнигелердиң жетиспеўшилиги айқын сезилмекте. Бундай қәнигеликлер қатарына стоматология, санитариялық шыпакерлер, ҳәзирги заман радиоэлектроникасы бойынша инженерлер, ветеринариялық қәнигеликлерди атап өтиўге болады. Усындай жағдайларда кейинги ўақытлары суўдың тамтарыслығынан жәбир көрген Қарақалпақстан Республикасы менен Хорезм ўәлаятының халқын ҳәм жаслардың социаллық қорғаў мақсетлеринде усы регионларда жасап турған абитуриентлерге қосымша жағдайлар ҳәм жеңилликлер дүзип бериў бойынша илажлар нәзерде тутылды. Усындай илажлар арасында Ташкент қаласында ҳәм басқа да ўәлаятлардың орайларында жайласқан жоқары оқыў орынларына кириўши талабанларға бир ай даўамында темиржол транспортында бийпул барып-келиўдиң болыўы жаслар ушын әҳмийетли болған алға умтылыўшылықты пайда етти. Нәтийжеде Қарақалпақстан Республикасынан Ташкент, Самарқанд қалаларына оқыўға түсиў ушын жөнеп кеткен жаслардың саны кескин түрде көбейди ҳәм олардың көпшилиги оқыўға кириўге миясар болды. Бул республикада билимлендириў системасын реформалаўды буннан былай тереңлестириў ҳәм кадрлар таярлаў бойынша Миллий Бағдарламаны иске асырыўдың екинши басқышының ўазыйпаларын шешиўди тәмийинлеўде әҳмийетли орын тутады.

Быйыл Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университетине оқыўға кириўге келген абитуриентлердиң саны кескин жоқарылады ҳәм 9093 ке жетти (өткен жылғы абитуриентлер саны 7800 ди қураған еди). Нөкис қаласынан қашық жайласқан районлардан (Мойнақ, Тақтакөпир, Төрткүл сыяқлы районлар), аўыллардан, қонсылас ўәлаятлардан (Хорезм ҳәм Бухара) келгенлердиң саны көбейди. Усыған байланыслы "2001-2002 оқыў жылында Өзбекстан Республикасының Жоқары билимлендириў мәкемелерине қабыл етиў ҳаққында"ғы Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинетиниң қарары тийкарында Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университетинде оқыўға түсиўши талабан жаслардың социаллық қорғаў бағдарында бир қатар илажлар көрилди. Биринши гезекте оларды жатақханалар менен тәмийинлеўге, тест сынақларына таярланыў, мәдений дем алыў ушын қолайлы жағдайлар жаратып бериўге айрықша дыққат аўдарылды. Бундай мақсетлерде үш студентлер жатақханасында 950 орын таярланды ҳәм бул орынлардың барлығына да июль айынан баслап тест сынақлары өткерилгенше абитуриентлер ҳәм олардың ата-аналары жайластырылды. Жатақханалар жасағанлығы ушын арзанлатылған түрде баҳалар қойылды. Абитуриентлер жасаған дәўирде олардың аўқатланыўы, зәрүрли болған затларды сатып алыўы ушын арзанлатылған баҳаларда жумыс ислейтуғын университетке қараслы асаналар менен саўда орынларының ислеп турыўы тәмийинленди. Бундай жеңилликлерден әсиресе орта арнаўлы билимге ийе, кеминде үш жыллық әмелий педагогикалық жумыс стажына ийе болған абитуриентлердиң көбирек пайдаланғанлығын атап өтемиз.

Қарарда нәзерде тутылған жоқары оқыў орынларының бес жыл муддетте салықлар төлеўден азат етилиўи абитуриентлер менен студентлерди, университете ислеўши профессор-оқытыўшы ҳәм басқа да хызметлердерди социаллық қорғаўды буннан былай жақсылаўға, материаллық-техникалық базаны ҳәзирги заман талапларына сай раўажландырыўға үлкен мүмкиншиликлер жаратып береди.

«ТОЛА» ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессор-ўқитувчиларини ва бу ерда таҳсил олаётган кўп сонли талабаларни истиқлолимизнинг 10 йиллиги ва бошланаётган янги 2001-2002 ўқув йили билан муборакбод этиб, уларга тан-сиҳатлик, хонадонларига файзу барака тилайди. Ватанимиз иқтисодий, сиёсий, маънавий қудратини юксалтириш учун хизмат қиладиган кадрлар тайёрлашдек олижаноб, машаққатли меҳнатингиз ҳамиша муваффақият келтирсин!

Бугуним сен билан, сен билан эртам,
Эй, тахти равоним — ҳур Ўзбекистон!

ШУКРОНА

Юртим Ўзбекистон эрур мустақил,
Қадим ўзбек тили эрур она тил,

Шукрона шудирки, шукуҳ, савлатим,
Ўн ёшга тўлмоқда буюк давлатим,

"Ўндан бир асрингиз муборак бўлсин",—
Юртим файз, барака, қутларга тўлсин!

Умр ўткинчидир, бу дунё фоний,
Бахтлидир кимнингки покдир иймони!

Бухорий, Фарғоний ва Амир Темур
Сиймолари мағрур таратмоқда нур,

Исломий, дунёвий илмлар янглиғ,
Адолат тимсоли дилда равшанлиғ!

Ҳазрат Мотурудий, ал-Марғиноний,
Шарқий қозиларнинг эрур султони!

Илму маърифатга мангу маконим,
Байраминг муборак Ўзбекистоним!

Олим Бўри йўқдир дилимда армон,
Ўн йилда шарҳингни этдим ўн достон!

Олимжон БЎРИ

Ko'ngil bitiklari

ЎЗБЕКИСТОНИМ



КРОССВОРД

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Ватанимиз мадҳияси мусиқаси муаллифи. 3. Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз зардўз. 5. Водий. 7. Кўҳна шаҳар марказий майдони. 9. Пойтахтимиздаги қадимги хароба. 12. Кураш бўйича жаҳон чемпиони. 13. Беҳбудий асари. 16. Муҳаддислардан бири. 17. Фалакиёт ва риёзиёт олими. 20. Бир соҳа вакилларининг катта йиғини. 21. Халқ куйи. 24. Футбол иншоати. 26. Қадимий давлат. 28. Хоразмийнинг замондоши ва дўсти, риёзиёт олими. 30. Устоз театр санъаткори. 32. Тошкентдаги меъморий обида.

Энига: 2. Мақом. 4. Мусулмонлик фарзи. 6. Э.Воҳидов достони. 8. "Алишер Навоий" драмаси қаҳрамони. 25. Яшнаган маскан. 27. Саида Зуннунова достони. 29. Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романи қаҳрамони. 31. Автомобиль русуми.

Бўйига: 10. Муқаддас даргоҳ. 11. Ўтмишда давлат ҳукмдори қароргоҳи. 14. Меҳнатдан ... ортар (мақол). 15. Санъат тури. 18. "Шашмақом" таркибидаги мақом. 19. Майдонда синалади. 22. Гул. 23. Шойи ашёси.

Ёй бўйича: 33. Қаршининг қадимий номи. 34. Номи абадийлаштирилиб, мақбара бунёд этилган муҳаддис. 35. Шамсия йил ҳисоби бўйича Ватанимиз Мустақиллиги байрами нишонланадиган ой. 36. Олим, шоир, Темурийзода ҳукмдор. 37. Таркиб топаётган иқтисодиёт. 38. Биринчи ўзбек кинооператори. 39. Биринчи глобус ихтирочиси, қомусий аллома. 40. Пасттекислик. 41. Ҳунарманд. 42. Маърифатпарвар шоир. 43. Самарқанд вилоятидаги шаҳар. 44. Фаолияти "Қасоскорнинг олтин боши" романида баён этилган халқ ҳаракати раҳбари. 45. Ўнли касрни қўллашни жорий этган риёзиёт ва фалакиёт олими. 46. Бухоро амирлигининг сўнгги ҳукмдори. 47. Халқ достони. 48. Давлатнинг бош идораси. 49. Халқ қўшиғи тури. 50. "Девони ҳикмат" асари муаллифи. 51. Устоз ўймакор нақкош. 52. Пойтахтимизда таваллуд топган Х аср алломаси, қонуншунослик, мантиқ соҳаларига оид асарлар муаллифи. 53. Халқ рақс куйи. 54. Романчилигимиз асосчиси, атоқли адиб. 55. Мумтоз адиб "Бадоеъ ул-вақоеъ" ("Нодир воқеалар") асари муаллифи. 56. Шиордан: "Шу азиз... барчамизники". 57. Нон тури. 58. Навоий вилоятидаги шаҳар. 59. Мақом мулкининг султони, устоз санъаткор. 60. Қишлоқ хўжалиги асбоби. 61. Сув манбаи. 62. Маъмурий ҳудудий бўлинма. 63. Вилоят. 64. Юртбошимиз томонидан Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинган ҳафта куни.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Давлат тили — 6, 11, 7, 2, 1. 2. Ёшларнинг билим олиш жамғармаси — 5, 15, 3, 14. Юнон истилочиларига қарши кураш йўлбошчиси — 4, 17, 3, 8, 10, 15, 2, 9. Денгиз — 12, 6, 12, 18. Куй, оҳанг — 9, 10, 13, 12.

Энди жавоблар асосида шаклнинг ички қисми тўрт тарафидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Улардан она-Ватанимизга Бош қомусимизда берилган таърифни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Газетамизнинг шу йил 25 август сонида берилган кроссворднинг жавоблари:

Диагонал бўйича: 1. Роман. 2. "Роҳат", 3. Помир. 4. Қорабайир. 5. Косон. 6. Замин. 7. "Широқ". 8. Хирож. 9. Низом. 10. Никоҳ. 11. "Тарих". 12. Камон. 13. Қашқадарё. 14. "Матиз". 15. "Садаф". 16. Лаққа. 17. Дарак. 18. Парда. 19. Чинор. 20. Эртак. 21. Довот. 22. Шайба. 23. Ҳожимуқон. 24. Абдуллаев. 25. Сифат. 26. Қодиров. 27. Ғофуров. 28. Водород. 29. Зоҳидов. 30. Шифокор. 31. Дилором. 32. Нотилий. 33. Мотобол. 34. Конимех. 35. Шоликор. 36. Шиллинг. 37. Чиғириқ. 38. Кулон. 39. Қанот. 40. Тонна.

ҲУР ЎЗБЕКИСТОН

(Бағишлов)

Букун озод элни чорлар Бош майдон,
Истиқлол тўйинга ошиққай ҳар жон.
Мен ҳам шеърдан тузиб гулгун дастурхон,-
Шу қутлуғ ёшингни қутлайман бу дам,
Эй, азиз маконим — ҳур Ўзбекистон!

Ажиб дунёларни қилмасман ҳавас,
Ким ҳам ўз диёрин жаннатим демас.
Менга фақат ўзинг омон бўлсанг бас, -
Ҳар дамим қувончдир, ҳар куним байрам,
Эй, нурли бўстоним — ҳур Ўзбекистон!

Бу қандай шарафки — сенда туғилдим,
Кўз очган кунимдан бахтга йўғрилдим.
Сен — онам, сен — отам эканинг билдим, -
Сен борсан — мунаввар менга кенг олам,
Эй, жону жаҳоним — ҳур Ўзбекистон!

Олам узра балққан офтоб жамолсан,
Курраи заминга ёқут ҳилолсан,
Манглайимга битган мангу иқболсан, -
Шундай дурдонасан, шундайин ўктам,
Эй, мовий осмоним — ҳур Ўзбекистон!

Бахмал водийларинг — узук кўзидир,
Бинафша боғларинг — жаннат ўзидир,
Довруғи шуҳратинг — ўзбек юзидир, -
Ўхшаши топилмас, тенги йўқ ўлкам,
Эй, битмас достоним — ҳур Ўзбекистон!

Омон бўл! Порласин толе қуёшинг,
Элсевар Юртбоши ёниқ йўлдошинг,
Тўйлардан чиқмасин ҳеч қачон бошинг!..
Буюк келажакка борурман илдам, -
Бугуним сен билан, сен билан эртам,
Эй, тахти равоним — ҳур Ўзбекистон!

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
Тошкент Давлат юридик институтининг ўқитувчиси

ИФТИХОР

Юртим бугун нур ўйнайди йўлларингда,
Озод қонун-қоида бор қўлларингда.
Йўлчи бўлиб йўлга бошлар йўриқноманг,
Бахт нафаси кезар ўнгу сўлларингда.

Ўз тамғанг бор, ўз мадҳиянг, ўз байроғинг,
Кездим, йўқдир она-юртим ҳеч адоғинг.
Темур бобом паноҳ бўлган мулкинг қўлда,
Кенгликларни қамрар бугун кўз қароғинг.

Дунё бўйлаб ўтаётган карвонинг бор,
Дунё тинглар тожу тахтли сарбонинг бор.
Озодликнинг ҳур байроғи қўлларингда,
Она-юртим яна қандай армонинг бор?!

Барот ЯРАШ

ЧИРОЙ

Бу Ватан тенгсиз чаман,
Гунчадай очган чирой.
Бу чиройнинг тенги йўқ,
Лол боқур осмонда ой.

Ҳар номусли - Ватанни
Севиб кўтарар бошга.
Ким қадрламас шаънин,
У Ватанга ёт, бошқа.

Ҳаётга то адолат
Бўлмас экан тамойил,
Ҳар қандай чирой элни,
Қила олмайди қойил!

Жалолиддин ҲАСАН,
ТДПУ профессори

ИСТИҚЛОЛ БАХТ-ҚУЁШИМ

Ватанимга тенг келолмас кенг жаҳон,
Ерда жаннат бунёд этган оллойим.
Ўзбекистон шодлигимсан, онажон,
Истиқлолни туҳфа этди худойим.

Тупроғи зар, суви гавҳар беқиёс,
Меҳнат қилган олтин олгай тоғу тоғ.
Водийларни кезганимда баҳор-ёз,
Мадҳинг куйлай қўлга олиб янгроқ соз.

Ёшу қари қайноқ меҳнат шайдоси,
Буюк давлат бунёд этиш аҳдимиз.
Тарк этмагай нурли қуёш шуъласи,
Истиқлолдан порлоқ бўлди бахтимиз.

Рўзимат ДАМИНОВ

"ЧЎЛПОН АКАМЛАР"

(Таниқли нашриётчи, марҳума Холидахон хотирасидан)

Ёзнинг сўнгги кунлари.
Хонада эдим ёлғиз,
Ишлардим нашриётда,
Таҳрирларим нуқсонсиз.

Эшик очилди бирдан,
Кирди Чўлпон акамлар,
Қолдим довдираб. Ҳар кун —
Келмас бундай одамлар.

"Холидахон!" — дедилар;
Сўрашдилар қўл бериб.
Ўлтирдилар курсига,
Кулиб, қуёшдай эриб.

— Очилибсиз гулдай! — деб,
Лутф қилдилар хурсанд.
— Раҳмат! Ҳар бир сўзингиз —
Бизчун, — дедим, — асал қанд.

У вақтда мен энди
Тўлгандим ўн саккизга.
Кўҳликкина қиз эдим.
Ёшлик — фахр йигит, қизга.

Биз сўзлашдик шоирнинг
Янги тўплами нашрин.
Ҳар шеъри бир дур эди.
Сўзлари мисли чақин.

Шу чоғ раҳбарим мени
Чақирди хизмат билан.
Кетиб ярим соатча,
Қайтдим хижолат билан.

Қайтсам, шоир йўқ! Эвоҳ!
Кўрдим столда бир хат.
Хат эмас, бу шеър эди,
Менга аталган фақат.

Мени мақтаб, юзимни
Ўхшатганди кундузга,
Кўзимнинг чарақлашин
Ёниб турган юлдузга.

Қоматимни қиёслаб
Илк гуллаган ниҳолга,
Дебди: — ўссин, яйрасин!
Юз тутмасин заволга.

Эркалаб, овозимдан
Булбул дарс олсин! — дебди.
— Бу қиз-ла ким баҳслашса,
Бир гапдан қолсин! — дебди.

Гўзал имзо чекибди.
Шеър остига "Чўлпон" деб.
Қабул қилдим мен эса
Уни "Моҳи тобон" деб...

Уч ой ўтди орадан,
Ўлтирардим хонамда.
Одатдагидек ишлар.
Қиш яқинди чамамда.

Кечга томон, билмадим,
Қайси шамол учурди,
Буюк Чўлпон оғамиз.
Бизга ташриф буюрди.

Бу — аввалги Чўлпонмас,
Чеҳраси маъюс, сўниқ.
Устма-уст танқид, туҳмат,
Уни енгганди аниқ.

Бироз сўзлашгач, деди:
"Холидахон, бир гап бор.
Мен туфайли сизларга
Қўнмасин дейман ғубор.

Бошқачароқ, наздимда,
Замонанинг бориши.
Ким ёқмаса, душман деб.
Бош, кўзини ёриши.

Менга қайтиб берсангиз,
Сизга ёзган шеъримни.
Дилда сақласангиз бас.
Шеъримнимас, меҳримни"!

Мен у шеърни сақлардим,
Тумор қилиб ёнимда.
Ёнимдамас, билсангиз,
Юрагимда, жонимда.

Хатни бердим қўлига,
Кўзимда ёшим билан.
Ташлади уни печга, —
Гўё юлқиб қалбидан.

Шеър ёнарди имиллаб,
Дилимда олов лов-лов.
Айтинг, мунча бўлмаса
Замон бундай беаёв.

Эсласам ўша кунни,
Кўнглим бузилар ҳамон.
Бундай шоир дунёга
Қайта келиши гумон.

Гар мен нодон бўлмасам,
Шеърни қайтарардимми?!
Ер-кўкка сиғдиролмам
Юракдаги дардимни...

Бу ҳодиса бир умр,
Эзди Холидахонни.
Гоҳ кулса, гоҳ йиғларди
Эслаганда Чўлпонни.



Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ
Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди
Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Нурлан УСМОНОВ,
Навбатчи: Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2817. Тиражи 14.802.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.